O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **24** март, жума № **12** (2139).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Пятница, **24** марта, **2006** год, № **12** (2139).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Бу йилги Наврўз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида янгиланиш, ўсиш ва юксалиш Наврўзидир.

**Ислом КАРИМОВ**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун она диёримизнинг барча гўшалари, воҳаю водийларида одамларимиз, эл-юртимиз бағрини кенг очиб, «Хуш келибсан, Наврўзи олам!» деб баҳорга пешвоз чиқмоқда, яшариш ва янгиланиш фаслини катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Барчангизни мана шу қутлуғ кун, Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, сиз, азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Наврўз айёмининг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп минг йиллик тарихимизда қанча-қанча достонлар, афсонаю ривоятлар, қўшиқ ва қасидалар битилган бўлмасин, унинг маъно-мазмуни, беқиёс гўзаллигини таърифлашга, уни эъзозлаш ва улуғлашга ҳар қандай сўзлар ҳам ожизлик қилади.

Лекин энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзнинг юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон қалбига, руҳиятига ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётбахш таъсир ўтказишини, айни шу фусункор дамларда унинг кўнглида жўш ураётган ҳис-туйғуларни тасаввур қилиш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аввало, кўклам нафаси уфуриб, майин шабадалар эса бошлаши, табиат уйғониб, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига янги куч, янги ғайрат киргандек, унинг томирига, унинг қон-қонига ҳаёт ва баҳор нашидаси югургандек бўлади, юрагимизни, бутун борлиғимизни яхшилик ва яратувчиликка ундайди.

Қир-адирлар, боғу роғлар яшил либосга бурканиб, майса-гиёҳлар тупроқни ёриб, қуёшга талпинаётган ажиб бир паллада одамзот беихтиёр табиат билан уйғун бўлиб яшашга, сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, бу баҳор неъматларини ўз яқинлари, дўсту биродарлари, қадрдонлари билан баҳам кўришга, хурсандчилик билан сайил-томошалар ўтказишга интилади.

Наврўзи олам келиши билан қадим замонларда ҳар қандай уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топгани каби, бугунги кунда ҳам одамлар ўртасидаги турли келишмовчилик, гина ва аразларни унутишга қаратилган ҳаракатлар, хонадонлар, барча маҳалла-кўйларда, эл-юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат ва тотувлик муҳити янада кучайиши табиий.

Бетакрор Наврўз кунларида шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз, буюк алломалар, азиз-авлиёларимиз, ота-боболаримизнинг, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, элимизни файзу барака, хосият тарк этмасин, сувимиз, ҳосилимиз мўл бўлсин, дала ишларини бошлаётган деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, деган тилак ва дуоларининг ижобат бўлиши барчамизнинг юрагимизга малҳам беради.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятларининг узвий бир қисми бўлмиш ёрдам ва кўмакка муҳтож одамларга, бева-бечора ва етим-есирларга, беморларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиб, дуосини олиш сингари олижаноб туйғу ва интилишлар янада жонланади.

Мана шу хурсандчилик кунларда бағрикенг, очиқ кўнгил халқимиз бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган узоқ ва яқин қўшни халқларни, мана шу майдонда ўтирган уларнинг вакилларини чин дилдан табриклаб, ўзининг самимий тилак ва қутловларини йўллайди.

Муҳтарам юртдошларим!

Бу йилги Наврўз истиқлолимиз, мустақиллигимизнинг ўн бешинчи Наврўзидир.

Бу йилги Наврўз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида янгиланиш, ўсиш ва юксалиш Наврўзидир.

Бу йилги Наврўз қишлоқда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган деҳқон ва фермерларимиз ҳаётида том маънодаги янги кун, янги меҳнат палласидир.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг мана шундай фидокорона меҳнати, интилиш ва саъй-ҳаракатлари негизида юртимизни янада обод қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, уларнинг ақл-заковати, куч-ғайрат ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиб бериш, аҳоли саломатлигини асраш, кўпмиллатли жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсадлар мужассам.

Юртимизда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб атаганимиз, шу муносабат билан кенг миқёсда амалга ошираётган режа ва дастурларимиз одамларга беминнат яхшилик қилиш, беғараз ҳомийлик кўрсатиш, инсон дардига шифо бериш сингари Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан ҳамоҳанг эканини айниқса эътиборлидир.

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Наврўз айёми билан яна бир бор табриклайман.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо барқарор бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, муҳтарама момоларимизнинг умрлари узоқ бўлсин, ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Ярослав КОРУКА олган сурат.

*Наврўзингдан айланай, ўзимнинг элим!*

Ўзбекистон — Қозоғистон:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Хабар қилинганидек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 19 — 20 март кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг январида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг инаугурация маросими билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш учун Остона шаҳрига ташриф буюрган эди. Ўшанда Н.Назарбоев ушбу лавозимга қайта сайланганидан сўнг илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлашни ният қилганини билдирганди. Бу унинг Ўзбекистонга, халқимизга ва давлатимиз раҳбарига юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир. Мазкур ниятни Қозоғистонда мамлакатимиз билан муносабатларни янада ривожлантиришга улкан иштиёқ ва қизиқиш борлигининг, энг муҳими, икки қардош юртда ўзаро ҳамкорлик йўлидаги интилишлар муштарак эканлигининг яна бир амалий тасдиғи, дейиш мумкин.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ВА МЕҲР-САХОВАТ АЙЁМИ

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Қорли-қировли кунлар ортда қолди. Кўнгиллар кўклам сururидан яйрамоқда. Офтобнинг нурли жилвалари, сарин шаббоданинг майин ва илиқ эркалашлари, чаппар уриб гуллаган боғларнинг хушбўй нафаси, чаманзорларнинг рангин ва жозиб товланиши юртимизга Наврўз кириб келганидан дарак беради.

Она диёримизда фасллар келинчаги – баҳор кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Шундай фусункор дамларда қалбларимиз ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун шукроналик туйғуларига тўлиб-тошаётир.

Азалдан халқимиз табиат уйғонадиган сафоли кунларни шодлик билан кенг нишонлаган. Сайилга чиққан. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари билан, энг муҳими, очиқ чеҳра ва бунёдкорлик кайфияти билан Наврўз шодиёналарига қадам қўймоқда.

Наврўз сайли – халқимиз майли. Наврўз сайли – истиқлолимиз зайли ҳамдир. Зеро, шундай замонлар ўтдики, халқимиздан бу мўътабар байрамни тортиб олмоқчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллатимиз ёдидан ўчирмоқчи бўлдилар.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Наврўз наинки қайта қарор топди, айни чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиб борди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари намоён бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

Маълумки, яқинда оммавий ахборот воситаларида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди. Хўш, мазкур Қарорнинг ўзига хос жиҳатлари нимада, унда давлат ва жамоат ташкилотлари олдига чақирувни сифатли ўтказиш юзасидан қандайин устувор вазифалар қўйилган?

Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган йиғилиш Қарордан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган бўлиб, Мудофаа вазири Р.Мирзаев ўз сўзида уларга алоҳида эътибор қаратди.

**Биринчидан**, Қарорда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилиш, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилиши, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминлашдек муҳим вазифалар илгари сурилган.

**Иккинчидан**, резервга бўшатиладиган фуқароларни иш билан таъминлаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш масаласи таъкидлаб ўтилган.

**Учинчидан**, армияга кузатиш ва ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимларини кенг жамоатчилик билан тантанали вазиятда ўтказишга эътибор қаратилган.

**Тўртинчидан**, 2006 йил баҳоридаги муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни чақириш ва ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш бўйича мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида мусобақалар ташкил этишдек вазифалар белгилаб берилган.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Қарорда кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг аниқ ва пухталигини таъкидлашар экан, мазкур анжуман уларни янада самарали бажаришда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтишди.

**(Давоми 2-бетда).**

Баҳорги чақирув — долзарб вазифа

## АСКАРЛИККА ЧОҒЛАНМОҚДА ЭР ЙИГИТ

Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида «Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда» деган эди. Ҳа, ана шундай кунлар келди. Яъни, армияда хизмат қилиш чин маънода шарафга, фахрга айланган кунларни назарда тутяпмиз. Бугун мўйлаби сабза уриб, чақирув ёшига етган, ўзини шу Ватан, шу халқ тақдирига бефарқ билмаган йигит борки, суҳбатлашсангиз, «мен ҳам Ватаним ҳимояси йўлида жавлон урсам, эгнимга ҳарбий либос кийиб, конституциявий бурчимни ўтасам, ҳаёт мактаби бўлган армияда тоблансам», деган гапни эшитасиз. Ёки бўлмаса ўғил ўстирган ота-онанинг ўй-фикрида «менинг ўғлимни ҳам ҳарбий хизматга олишса, ўғлоним ҳам йигитлик бурчини ўтаса, тобланиб, чиниқса» қабилидаги хаёллар.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## МАФКУРАДА МАНФААТДОРЛИК ВА ИШОНЧ-ЭЪТИҚОД МУНОСАБАТИ

Ҳар бир инсон, миллат ёки мамлакатнинг юксак тараққиёт босқичларига эришишида, улар ҳаётида амал қилаётган ғоя ва мафкура муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бугунги ва келгуси тараққиётимизнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи миллий истиқлол мафкураси шакллантирилиб, унинг асосий ғоялари, тушунча ва тамойилларини халқимиз онги ва қалбига сингдириш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. **«Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик, – деган эди Президентимиз И.А.Каримов. – Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим».**

Бинобарин, кишиларимиз миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб олишлари учун ундаги асосий тушунча ва тамойилларни ҳар бир инсон ҳамда бутун жамият ҳаётида шаклланиб, ривожланиш қонуниятларини содда, аниқ-равшан қилиб ёритиш муҳим аҳамиятга эга.

**(Давоми 7-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

## «БОБУРНОМА»ДА СПОРТ ҲАҚИДА

Юртимизда оммавий спортни ривожлантириш ва унинг тарғиботини кучайтириш борасида қатор қарорлар қабул қилинди. Албатта, бу хайрли ишларни амалга оширишда халқимизнинг узоқ асрлик шу соҳага тааллуқли бой меросини чуқур ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятта эга бўлади. Минг шукрки, закий аждодларимизнинг жисмоний маданиятга бағишланган кўплаб битиклари бизгача етиб келган.

Уларда халқимизнинг жисмоний маданиятга катта эътибор бергани тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Ҳатто, унутилаёзган халқ ўйинлари, миллий спорт турларимиз ва уларга хос атамалар ҳам мавжуд. Бу маълумотларни билишимиз жисмоний маданиятга оид билимларимизни бойитиб, мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш ва унинг тарғиботини кучайтиришдек эзгу интилишларимизга қанот бағишлайди. Жисмоний маданиятимизга боғлиқ қимматли маълумотлар битилган ана шундай китоблардан бири «Бобурнома»дир.

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530)нинг умри давомида ёзган «Бобурнома» қомусий асари ҳеч шубҳасиз жаҳон адабиётининг дурдоналари сирасига киради. Мазкур китобда кўпгина соҳа билимдонлари учун аҳамиятини йўқотмайдиган маълумотлар бор. Хусусан, спорт аҳли ҳам «Бобурнома»дан ўлкамизнинг XVI аср бошларидаги жисмоний маданиятига оид қимматли маълумотларини топиши мумкин.

**(Давоми 7-бетда).**

Муштарийларимизга

## ВАТАН ЧОРЛАР, СЕНИ ЎҒЛОН!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ шу йилнинг апрель-май ойларида хизматни ўтаб бўлганлар хизматдан бўшатилади ҳамда чақирув ёшига етганлар Қуролли Кучлар сафига чақирилади.

Мазкур Қарор навбатдаги чақирувни белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш ҳамда хизмат муддатларини ўтаб бўлган хизматчиларни резервга бўшатишда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Қуролли Кучларда муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тобора шаклланиб бораётган миллий армиямизда янгича анъаналар пайдо бўлмоқда. Чақирилувчи – армияга тантанали кузатиб қўйилади ва қисмларда тантанали тарзда кутиб олинади. Шу ўринда чақирилувчиларга махсус спорт кийимлари берилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мудофаа вазирлиги муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчига «Армия – ҳаёт мактаби» номли эслатма тайёрлади. Эслатмадан Қуролли Кучларимиз тарихи, ҳарбий хизматчининг ҳуқуқ ва бурчлари, имтиёзлари тўғрисида батафсил маълумотлар ўрин олган. У ҳар бир хизматга чақирилганга берилади.

Хизматини тугатган аскар уйига қайтаётганида унга энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдорида пул берилади, тантанали кузатилади ва жойларда тантанали кутиб олиш тадбирлари амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Қуролли Кучлар қисм ва бўлинмаларида муддатли хизматни белгиланган муддатларини ўтаб бўлганларни уйларига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда байрамона кузатиш ва жойларда кутиб олиш анъанага айланиб қолди. Энг илғор аскарларга олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун «Тавсиянома» тантанали тарзда топширилади. Мазкур ҳужжат тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизини ташкил этишидан хабарингиз бор.

Аскар бўлиб хизмат қилганлар ватанпарварлик мактабини ўтаган фуқаролар сифатида ишга жойлашишда ҳам устунлик ҳуқуқидан фойдаланишади.

Бугунги кунда ҳарбий соҳага, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одатда армия мактабини ўтаган ёшлар қабул қилинишини ҳам ҳисобга олсак, ҳарбий малакага эга бўлган кишиларга эҳтиёж нечоғлиқ катта экани маълум бўлади.

**ТАҲРИРИЯТ**



3 ЗА СТРОКОЙ ПОСТАНОВЛЕНИЯ
УДАЧИ ВАМ НА ЭКЗАМЕНАХ!



5 ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК
«ЭНГ ИЛҒОР ЎҚУВ МОДДИЙ БАЗАСИ»



10 ЁШЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ
НИҲОЛ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ЭЛГА МАНЗУР «СУПЕР ҚАЙНОНА»

Табриклаймиз

# «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ

Мамлакатимизда иқтидорли, қобилиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳамиша эътибор қаратилади. Улар учун турли номдаги мукофотлар, стипендиялар таъсис этилган.

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олишаётган энг иқтидорли, энг қобилиятли курсантларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан мунтазам рағбатлантирилиб, уларга ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Курсантларимиз орасида «Маҳалла», «Камолот» стипендиялари совриндорлари бўлганлар бор. Бу курсантларимизнинг ҳарб илмини янада пухта эгаллашларида, етук мутахассис бўлиб етишишларида ўзига хос роль ўйнамоқда.

Яқинда «Камолот» стипендиясининг 2005-2006 ўқув йили учун совриндорлари аниқланди. Улар орасида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 2-курс курсанти Фаррух Эркин ўғли ЭРКИНОВ, Жиззах ҳарбий авиация билим юрти 2-курс курсанти Шамил Фаритович МАВЛЮТОВ ҳам бор.

Биз уларни «Камолот» стипендияси совриндори бўлишгани билан муборакбод этиб, ўқиш ва хизматларида янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

(Газетамизнинг навбатдаги сонларининг бирида «Камолот» стипендияси совриндорлари ҳақида батафсил маълумот берамиз).

# ДУНЁГА ЮЗ ТУТИШМОҚДА

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида курсантларга чет тилларни ўргатиш масаласига жиддий эътибор қаратилиши бежиз эмас, албатта. Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётган паллада юртимиз Қуролли Кучларини дунёга танитиш айнан ушбу бўлажак офицерлар зиммасига юклатилади.

Билим юрти тиллар кафедраси мудири Замирахон Жалматова ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётган фидойи инсонлардан биридир. Замон талабларига тўла жавоб берадиган лингафон синфлардан, янги ахборот технологиялари бераётган қулайликлардан унумли фойдаланиб келаётган курсантлар – Жонибек Хонимқулов, Фарҳод Шарипов, Лазиз Тошматов ва Ҳамид Салиевни ўқитувчилар мамнуният билан тилга олишади.

Интернет умумжаҳон ахборот тармоғида берилаётган қизиқарли янгиликлардан бохабар бўлиш, улардан хизмат фаолиятида фойдаланишда ҳам чет тилларни билиш талаб қилинади. Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳам тил билиш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини жиззахлик курсантлар мисолида ҳам бемалол кўришимиз мумкин. Озод юртимиз ўғлонлари дунёга юз тутишмоқда.

**Майор Баҳодир ЎТАНОВ.**



Память

# ШКОЛЬНЫЙ САЙТ УДОСТОЕН ПРИЗА



По инициативе Московского государственного университета проводился международный Интернет-конкурс для школьников России и стран СНГ «Web-страница семейной славы». Отрадно, что работа школьников средней школы №11 имени Алишера Навои Ташлакского района Ферганской области удостоена специального приза жюри конкурса «За техническую грамотность».

Недавно в адрес школы поступило письмо из Москвы от координатора конкурса: «Дорогие школьники из Узбекистана! Поздравляю победителей и участников конкурса! Желаю творческих успехов в учебе! Победителям и участникам конкурса отправлены награды: дипломы, грамоты, сертификаты «Юный Интернет-журналист» и памятные подарки. Всех поздравляю с наградами.

С уважением, В.А. Сухомлин, координатор проекта, член жюри конкурса».

В дополнение к этой приятной новости хотелось бы немного подробнее рассказать о самом конкурсе. Для участия в нем допускались работы, выполненные самими школьниками в отдельности и в команде.

Все материалы предоставлены на конкурс в виде сверстанных web-страниц или как существующий сайт. Web-страницы, присланные на конкурс, были размещены для постоянного хранения на сервере военно-исторического портала (www. vif2.ru) по адресу pobeda.vif2.ru.

Целями конкурса являлись привлечение внимания молодого поколения к познанию беспримерного подвига народов в войне 1941–1945 годов, патриотическое воспитание учащихся, вовлечение их в высокотехнологичные сферы современной науки, стимулирование освоения школьниками новых коммуникационных возможностей информационного общества.

Авторитетное жюри под председательством ректора МГУ имени Ломоносова академика В. Садовничего рассмотрело 88 представленных работ из России и стран СНГ. В номинации «Лучшая информационная модель и техническое исполнение сайта» с работой «Люди войны» участвовала и наша школа. Школьная команда клуба «Память» создала сайт http: //geroiuzb.narod. ru. Сайт рассказывает об участии узбекского народа в войне 1941–1945 годов. Здесь вы можете прочитать историческое письмо узбекского народа, под которым стоит 2412000 подписей, оно вдохновляло воинов на фронте. Многочисленные фотографии и материалы военных лет рассказывают о судьбе людей в тылу и о героях войны, которые отправились на фронт из Узбекистана.

Отрадно, что скромный вклад наших школьников в увековечение памяти наших дедов отмечен специальным призом. Несомненно, это будет хорошим стимулом для дальнейшего творческого поиска.

**Рустамжон БАДАЛОВ,**
**учитель, волонтер школьного Интернет-центра, член клуба «Память».**



## МОЯ НЕДЕЛЯ

**Равиль ХАНЕЕВ, офис-менеджер:** «После женского дня лучшим праздником для мужчин стало открытие розыгрыша Кубка чемпионов Азии. В жизни не поверю, что кто-то не следил напряженно за ходом встреч наших команд – пропустить такие великолепные матчи просто нереально! Узбекистанцы молодцы – лучшие на континенте, они должны, обязаны победить! Как я рад, что все складывается в нашу пользу и нет больше «прекрасных» судей, засудивших нашу сборную перед чемпионатом мира. Думаю, что вся страна сейчас болеет за наших и ждет от них только новых голов в чужие ворота!»

**Татьяна БЛАГУРСКАЯ, студентка УзГУМЯ:** «Самыми веселыми были для меня проводы зимы в Японском саду. Сколько было всего: и пели, и танцевали, и блинчики свежие кушали! Сразу вдруг почувствовалось, что весна действительно пришла, на душе даже теплее стало. А тут и жара началась, так что спасибо организаторам – без них мы бы еще долго в куртках и пальто ходили!»

**Олмасбек ОЛТИНКУЗИЕВ, студент УМЭД:** «Из событий недели отмечу общенародный хашар, посвященный Наврузу. Дело в том, что я раньше без особого энтузиазма участвовал в подобных мероприятиях. А на этот раз мы занимались уборкой у себя на массиве, и вы знаете, мне очень понравилось. И дороги асфальтом залили, и стройматериалы с площадок убрали, и остановку покрасили. Я подумал: как же хорошо на все чистенькое, вымытое смотреть, а главное – знать, что без твоего участия не обошлось, что и ты помогал. Кто не согласен?»

**Сарвара УСМАНОВА, магистр ТашГТУ:** «Недавно я смотрела фильм «Жоним сени». Должна сказать, что меня неприятно поразило отсутствие у создателей данной картины собственных оригинальных идей. Всем уже приелась тема девушки-простушки в большом городе. Меня совсем не впечатлила игра Гульчехры Эшонкуловой, я ожидала от нее большего. Буду надеяться, что в самом ближайшем будущем наши кинематографисты порадуют зрителя качественными фильмами, а не простым копированием уже придуманного».

**Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.**



# НАВРЎЗИ ОЛАМ ШОДЛИКЛАРИ

Асрлар давомида қадрияту удумларини асраб келаётган, миллий анъаналаримизга бешик бўлган Наврўзи олам яна юртимизга ташриф буюрди. Келинчакдек безатилган боғлару хиёбонлар яна куй-қўшиққа тўлди. Пойтахтимиздаги барча кўнгилочар гўшалар, сайилгоҳларда ҳам эрта тонгданоқ карнай-сурнай наволари остида халқ сайли бошланди.

Қуролли Кучларимиз Марказий музейи қошидаги «Жасорат боғи» шу куни халқимиз истиқболига ўзгача юз очди. Байрам сайлида ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзолари, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига кўнгилли хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилди. Музей радио тармоғи орқали тонгда янграган байрамона руҳдаги куй-қўшиқлар халқимизни «Жасорат боғи»га чорлади. Ҳарбий савдо бошқармаси ходимлари савдо ярмаркаси ташкил этиб, кўклам неъматлари ва миллий таомларимиз билан улар хизматига шай туришган бўлса, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ташриф буюриб, сайил қатнашчиларига кўтаринки руҳ бахшида этишди. Боғда ўйин-кулги ва халқона рақслар авж олиб турган бир паллада биз ушбу сайилни ташкил этишда мутасадди бўлган бир қатор масъул ходимлар билан суҳбатда бўлдик.

– Биз Наврўз байрамига тайёргарлик ишларини жуда эрта бошлаб юборганмиз, – дейди Қуролли Кучлар Марказий музейи бошлиғи подполковник Содиқжон Ортиқов. – Дастлаб ҳашар йўли билан боғда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди, гуллар экилди. Шундан сўнг ҳарбийларимизнинг ушбу кўнгилочар гўшаси байрамона безатилди. Халқ сайлини ташкил этиш учун алоҳида режа тузилди. Бунга биноан кўриб турганингиздек савдо ярмаркалари, шахмат-шашка ва стол тенниси ўйинлари, ансамбль хизматини йўлга қўйишга катта эътибор қаратдик. Фарзандларимизга эса болалар майдончаси шай. Шу билан бирга Марказий музейимиз эшиклари барча учун очиқ. Ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги экскурсиялар, музейнинг кўргазмалар залида байрам арафасида очилган «Ассалом Наврўз» тасвирий санъат асарлари намойиши эса барчага манзур бўлди, деб ўйлайман. Мақсадимиз – сайил иштирокчиларига сидқидилдан хизмат кўрсатиш.

Кейинги суҳбатдошимиз эса Мудофаа вазирлиги ҳарбий савдо бошқармаси бош муҳандис технологи Носир Якубов бўлди.

– Бизнинг бошқарма хизматчилари айни дамда нафақат ушбу «Жасорат боғи»да, балки республикамиздаги барча округ ва гарнизонларда савдо кўргазмаси ташкил этишган. Чунки округларда бизнинг бўлимларимиз мавжуд. Ходимларимиз томонидан байрам учун тайёрланган сумалак, кўк сомса, кўк чучвара ҳамда қандолатчилик ва кулинария маҳсулотлари, шунингдек, миллий таомлар уларга маъқул бўлаяпти. Бошқарманинг совуқ ичимликлар тайёрлаш корхонаси ичимликлари эса табиийлиги билан барчага манзур. Бундан ташқари, аскарларнинг байрам дастурхонига ширин пишириқлар ва қандолатчилик маҳсулотлари тарқатдик. Байрам айёмини кўнгилли ўтишида савдо бошқармасининг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунман.

– Бизнинг бурчимиз эса байрам нафасини куй-қўшиқларда тараннум этиш, – дея суҳбатга қўшилди Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғининг таъминот ишлари бўйича ўринбосари шартнома бўйича хизмат сержанти Воҳиджон Тошпўлатов. – Ансамблимиз санъаткорлари байрамга бағишланган концерт дастурини Наврўз айёми кунларида гарнизон ва округларда ҳам беришни режалаштирган. Бу дастурларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Марат Ҳакимов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист капитан Камолиддин Раҳматов, «Ниҳол» мукофоти совриндори Исроил Саидумаров, эстрада хонандалари – Ирода Искандарова, Озодбек Назарбеков, Зафар Бобожонов, Дониёр Қаршиев, Умид Ҳайдаралиев, Шерзод Имомбердиев ҳамда ансамблнинг раққоса қизлари ўз истеъдодларини намойиш этишмоқда. Мана ҳозирда ҳам сайил қатнашчилари уларнинг хизматидан мамнун.

Ҳа, куй ва қўшиқ элимизнинг ёруғ кунлари, тўй ва тантаналарига йўлдош. Атрофимдагиларга эътибор бераман. Барчанинг юзида табассум, давраларда байрам нафаси уфуриб турибди. Йил боши ҳисобланган Наврўзи олам тақдим этган бу шодлик йил бўйи уларга ҳамроҳ бўлиши шубҳасиз.

**Зулфия НОСИРОВА.**

# «ЭНГ ИБРАТЛИ ЙИГИТ» АНИҚЛАНДИ

Нукус гарнизони офицерлар уйида сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ойлик йиғини иштирокчилари ўртасида «Энг ибратли йигит» танлови ўтказилди.

Йигитлар танловнинг «Сўзни изоҳлаш», «Билим ринг», «Омадингизни синаб кўринг», «Тежамкорлик рўзғорга фойда» деб номланган шартларини бажариш давомида ўзларининг ҳар томонлама билимдонликларини, чаққон ва зукколикларини намойиш этишиб, олқишларга сазовор бўлдилар.

Айниқса, бешинчи «Ўз қобилиятингизни намойиш этинг» шарти беллашувлари қизғин кечди. Қизиқарли саҳна кўринишлари, маромига етказиб айтилган қўшиқ ва шеърлар иштирокчиларнинг санъатга, адабиётга ҳам меҳр қўйганликларини, актёрлик маҳоратига эга эканликларини кўрсатди.

Умумий натижага кўра, энг кўп балл тўплаган Рашид Бобожонов «Энг ибратли йигит» танловининг ғолиби деб топилди. Қорақалпоғистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими масъул ходими Алишер Авезмуротов, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат батальони тарбиячи офицери капитан Акром Шоҳакимовлар танлов иштирокчиларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширдилар.

Бир сўз билан айтганда, баҳор байрамига ҳамоҳанг равишда ўтказилган ушбу қизиқарли тадбир иштирокчиларга ҳам, томошабинларга ҳам хуш кайфият бахш этди.

**Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ.**

# КРАСОТА НЕ ТРЕБУЕТ ЖЕРТВ!

«Красота спасет мир» – в этом человечество убеждалось не раз. И это выражается не в словах, а именно в действиях. Ежегодно во всех уголках нашего огромного мира проводятся конкурсы красоты. В нашей стране также немало красивых людей. Потому театром «Аладдин» «запущен» новый проект – состоялось открытие конкурса «Мисс Университет». Его участницами являются студентки высших учебных заведений столицы. По словам организаторов, данный конкурс экспериментальный. Всего в нем принимают участие 50 девушек. На сегодняшний день половина из них уже прошла первые в их жизни фотосессии. Большую поддержку в проведении конкурса оказывает «Sarkor telecom». Они открыли сайт, где будут помещены фотографии участниц, и все, кто желает, смогут следить за развитием событий. Постоянные репетиции, тренировки, фотосессии, как известно, занимают достаточное количество времени, а ведь участницы – студентки!!! Будем надеяться, что все пройдет удачно и не в ущерб образованию.

**Эналида ТЯН.**

# КИТОБ: БУ ТАРБИЯ МЕЗОНИ

СЎРОВНОМА

**Биз ёшларимизнинг қизиқиш ва интилишларини, уларнинг дунёқарашини ўрганиш мақсадида газетамизда анъанавий тарзда сўровнома ўтказиб келаяпмиз. Бугун «Ёшлар тарбиясида китобнинг аҳамияти» дея эълон қилинган сўровномамизга келган хатлар билан танишамиз. Ўйлаймизки, улдаги фикр-мулоҳазалар сиз газетхонларни ҳам беэътибор қолдирмайди.**



**Шоҳида НАЗАРОВА, талаба, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан:**

– Назаримда, ёшларнинг тарбиясида китобнинг ўрни беқиёс. Китоб ўқиган киши соғлом фикр эгаси бўлади. Уни атрофда кечаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса бефарқ қолдирмайди. Боз устига бундай инсонларнинг қалби пок бўлиб, ҳеч қачон бировларга ёмонлик қилмайди.

**Умида ХИДИРОВА, 20 ёшда, Андижон вилояти Асака туманидан:**

– Кейинги пайтда ёшларимиз китоб ўқимай қўйди, деб оммавий ахборот воситаларида кўп бора чиқишлар бўлмоқда. Тўғри, буни инкор этиб бўлмайди. Лекин китоб ўқимай қўйган ёшларимиз адабиётдан олмоқчи бўлган маънавий эҳтиёжини балки бошқа бир воситалар орқали олишаётгандир. Бунга мисол тариқасида яқинда Ўзбекистон телерадиоканали орқали эфирга узатилган Кореянинг «Сарой жавоҳири» ёки бўлмаса ҳиндларнинг «Маҳобҳорат» фильмларини келтириш мумкин. Ушбу сериалларни кўриб, мен жуда кўп нарсани ўргандим. Бундан ташқари, жаҳон тан олган колумбиялик адиб Габриэл Маркеснинг «Ошкора қотиллик» қиссаси италиялик киноижодкорлар томонидан фильм қилинган экан. Мазкур кино воқеалари ҳам китобдагидан-да аълороқ тарзда кадрга кўчган.

**Азиз МАДИЕВ, талаба, Самарқанд шаҳридан:**

– Баъзида айрим ёшларимиз вақтини қизғаниб, «Китоб ўқишга бўш вақтим йўқ», дея эътироз билдиришади. Лекин соатлаб интернет-кафеда ёки телевизор қаршисида вақтини беҳуда сарфлашади. Ваҳоланки, компьютер ўйинларига, телесериалларга топилган вақт китоб мутолаа қилишга келганда етмаса? Албатта барча нарсага улгурса бўлади. Фақат бунинг учун ўзимизда хоҳиш бўлиши керак.

**Мадина МАЛИКОВА, талаба, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридан:**

– Бугун кўпчилик тенгдошларимизга эътибор берсам турли хил важ-карсонларни рўкач қилиб, китоб мутолаа қилишмайди. Бу уларнинг айби деб ўйламайман. Бу ерда асосий айбдор сифатида уларнинг ота-онасини, мактабдаги ўқитувчиларини кўрсатган бўлардим. Ота-она агар болани ёшлигида китобга қизиқтира билса, унда бола ҳеч қачон китобдан воз кечмайди. Бундан ташқари, китоб ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Олимлар жиноятга қўл урган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар билан савол-жавоб ўтказишганда, уларнинг 90 фоизининг китоб ўқимаганлиги аён бўлган экан. Бундан кўриниб турибдики, фарзанд камолотида китобнинг ўрни ниҳоятда муҳим.

**Исроил ҚАРШИЕВ, талаба, Наманган вилояти Поп туманидан:**

– Айни пайтда кўпчилик ёшлар китобнинг ўрнини интернет дея аталмиш ўргимчак тўри боса олади, дея таъкидлашади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Тўғри, интернет беқиёс ахборот ва маълумотлар уммонига эга. Лекин ушбу «уммон»да ёшларнинг онгини заҳарловчи маълумотлар манбаи ҳам йўқ эмас.

**Оддий аскар Давлат МАДАМИНОВ, Фарғона вилояти, Қувасой туманидан:**

– Инсон тафаккурини бойитишда, дунёқарашини кенгайтиришда китобнинг ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Кўчада ёки ишда, хизматда китоб ўқийдиган ва умуман китоб ўқимайдиган кишини бемалол ажратса бўлади. Китоб ўқийдиган киши, ўзининг хушмуомалалиги ва маданияти билан доимо кўзга ташланиб туради. Ёшларни китобга қизиқтиришда кутубхоначининг ҳам ўрни ниҳоятда катта. Масалан, мен хизмат қиладиган ҳарбий қисмда қисм кутубхоначимиз посбонларни қандай қилиб китобга қизиқтиришни билади. У китобнинг қизиқ воқеаларини баён этиб, посбонларнинг қалбида адабиётга меҳр уйғотади. Сўнгра асарни ўқиб бўлган аскар билан шу мавзуда баҳс-мунозара юритади.

Мана, азиз муштарийлар, сўровномамизга етиб келган 72 та хатдан энг асосийларини сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилдик. Эслатиб ўтамиз, навбатдаги сўровномамиз «Кинофильмларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни» хусусида бўлади. Хатларингизни E-mail: Jon@mail.ru ёки E-mail: vatan@rol.uz электрон почталарига юборишингиз мумкин.

**Суҳбатларни «Ватанпарвар» мухбири Комилжон ҲАСАНОВ уюштирди.**

# МАФКУРАДА МАНФААТДОРЛИК ВА ИШОНЧ-ЭЪТИҚОД МУНОСАБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, барча ижтимоий-маънавий ҳодисалар каби, ғоя ва мафкура ҳам кишиларнинг ҳаётий манфаат-эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилишлари натижасида, уларнинг онги ва тафаккурида, жамиятдаги мавжуд шарт-шароит, таълим-тарбия таъсирида шаклланиб, ривожланади.

Масалан, ҳаётда аксарият кишилар бой-бадавлат бўлиб, маъмурчиликда яшашни хоҳлайди, шунга интилади. Бу фаровонлик ғоясидир. Аммо, унга эришишнинг турли йўллари бор. Кимдир савдо-сотиқ, тадбиркорлик ёки фермерлик билан, бошқа биров чайқовчилик, фирибгарлик ёки шундай бир қинғир йўл орқали бойиб, фаровон ҳаётга эришишни ўйлайди, фикр қилади. Ана шу усул-йўллар тўғрисидаги аниқ билим, ўй-фикр, режа-қарашлар тизими мафкура бўлади. Одам бойиш учун фикр-мулоҳаза қилиб, улардан бирини танлаб ёки бошқа шундай бир йўлни ўзи ўйлаб топиб, сўзи ва ишида шунга амал қилаётган бўлса, бу унинг мафкурасидир. Демак, инсон ўзи учун зарур бирор ишни мўлжаллаб, уни амалга оширишга қатъий аҳд қилса, бу унинг ғояси бўлади. Ана шу мақсадига қандай эришиш йўл-усулларига доир фикрий хатти-ҳаракатларининг мазмуни эса, унинг мафкурасини ташкил қилади. Бинобарин, ҳар бир инсоннинг мафкурасини унинг фикр юритиши, сўзи ва ишидан билиб олиш мумкин. Агар ким мақсадга етиш учун эгри йўлни танлаган бўлса, бундай одамнинг мафкураси бузғунчидир. Ким ўзи ва бошқаларга ҳам нафи тегадиган тўғри йўлни танлаган бўлса, унинг мафкураси бунёдкордир.

Шундай қилиб, фикр асосида – ғоя, ғоя асосида – мафкура шаклланади. Яъни, фикр қатъийлашиб, аниқ мақсадга йўналтирилса, ғоя бўлади. Ғоя конкрет инсон, гуруҳ, миллат ёки жамиятнинг ҳаётий манфаатларини ифодалаб, уларнинг ишонч-эътиқодлари ва фаолиятига асос бўлса, мафкурага айланади. Мафкура – турли гуруҳ, тоифа ва қатламлардаги кишиларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини тартибга солиб, ҳаракатга келтиради, ғояни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, ғоя – мақсад бўлса, мафкура уни амалга ошириш усулининг воситасидир. Демак ғояни – назария, мафкурани – методология дейиш мумкин. Ғоя нисбатан турғун, қатъий, мафкура эса динамик характерга эга. Чунки, мафкура инсон ва жамият ҳаётидаги объектив ва субъектив шарт-шароитларга мос ҳолда, кишиларнинг талаб, эҳтиёж, ишонч-эътиқод манфаат ва мақсадларига мувофиқ тарзда, ретроспектив асосларда ўзгариб, ривожланиб боради. Юртбошимиз айтганларидек: «Халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки **мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси** эмас. Бу – узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафкуранинг олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлади».

Фикрнинг ғояга, ғоянинг мафкурага айланиб, ижтимоий ҳаётда амал қилишини кишиларнинг мафкурада ифодаланган манфаат-мақсадлари ҳамда ундаги ғояларга бўлган ишонч-эътиқодлари белгилайди. Чунки: **биринчидан,** агар кишилар ғоялардан манфаатдор бўлмаса, уларни амалга ошириш йўллари ҳақида ўйламайди, унга қизиқмайди ҳам. Умуман, ҳеч қандай хатти-ҳаракат қилмайди ва шу тариқа мафкура шаклланмайди. Мафкурасизлик – ғоявий бўшлиқ шундай юзага келади. **Иккинчидан,** одамлар мафкура ва ундаги ғояларнинг ҳаққонийлигига, мавжуд ижтимоий талаб-эҳтиёжларга жавоб беришига ҳамда уларни рўёбга чиқишига ишонмаса, бундай мафкура жамият ҳаётига жиддий, ижобий таъсир қилмаслиги мумкин. **Учинчидан,** жамиятда кишиларнинг мафкурага амал қилишини рағбатлантирувчи (стимул) расмий, сиёсий, ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар билан боғлиқ реал ижтимоий муҳит (механизм) – руҳий-маънавий мотив бўлмаса, мафкура халқчиллашмаслиги, ундаги ғоялар рўёбга чиқмаслиги мумкин. Айни шу омиллар мафкуранинг шаклланиб, ривожланиши ва ғояларнинг амалга ошишида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Жамиятдаги ҳар бир киши, гуруҳ ёки тоифанинг мафкурага амал қилиши учун албатта ундаги эҳтиёж-манфаатларини чуқур англаши ва айни пайтда, ғояларга ишонишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, мафкура ундаги ғояларнинг манфаатлашган мазмуни билан, яъни ғоядаги шу ғоя эгасининг ёки унга эргашган конкрет, шахс, гуруҳ, миллатнинг туб эҳтиёж-манфаатлари ва ишонч-эътиқодлари ифодаланган тугал мазмун билан характерланади. Демак, мафкура – ғоянинг манфаатлашган ва ишонч-эътиқодга айланган мазмуни, шакли, қисми, томони, кўриниши, қиёфаси ва характеридир.

Ҳақиқий ишонч-эътиқод ўз моҳиятига кўра, буюк ва қудратли руҳий-маънавий куч бўлиб, ҳар қандай мафкуранинг амал қилишида ва ундаги ғояларнинг рўёбга чиқишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Ишонч-эътиқоднинг ижтимоий макони – инсон ва жамият маънавияти; объекти – ғоя, субъекти – шахс; асоси – кишиларнинг эҳтиёж-манфаатлари; ҳаракатлантирувчи кучи, мотиви – ғоявий онг, билим-маърифат; мезони эса унинг эзгуликка хизмат қилишидир. Эътиқодли одам улуғвор, қудратли ва жасур бўлади. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғояларини унга нисбатан ҳақиқий ишонч-эътиқодга эга бўлган одамлар рўёбга чиқара олади.

Чунончи, ўз даврида буюк бобомиз Амир Темур илгари сурган эзгу ғояларнинг амалга ошишида ҳам аждодларимизнинг ушбу ғояларга бўлган мустаҳкам ишонч-эътиқодлари муҳим ўрин тутган. Ана шу ишонч-эътиқодлари билан буюк аждодларимиз Ватанни озод қилиб, қудратли давлат, адолатли жамият барпо этишган. Буларга эришиш учун ҳаёти ва жонларини тикиб курашишган. Бундай мисолларни давлатчилик тарихимиздан кўплаб келтириш мумкин.

Шундай экан, бугунги кунда Юртбошимиз томонидан кўтарилган миллий истиқлол ғояларини тўла рўёбга чиқариш учун кишиларимизда шу ғоялар асосидаги мафкуравий ишонч-эътиқодни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун улар, аввало миллий истиқлол мафкурасини мукаммал ўрганиб, ўзлаштириши, ундаги ғояларга садоқатли бўлиб, ҳар бир сўзи ва ишида ана шу ишонч-эътиқодларини намоён қилишлари зарур. Уларнинг ғояларга нисбатан муносабатларида, юқорида айтиб ўтилган, мафкуранинг мазмунида муҳим ўрин тутувчи манфаатлар эмас, ишонч-эътиқод устун туриши лозим. Миллий истиқлол ғоялари шу тариқа реаллашиши мумкин. Акс ҳолда, олимлар айтганидек, бу соҳадаги барча ишлар ҳаётдан ажралиб қолиши, ғоя ва мафкура ҳақида айтилаётган сўзлар, салмоқли фикрлар, ўтилаётган дарслар, ёзилаётган китоблар ва умуман, бу борадаги ҳамма ишлар қанчалик асосли, ўринли, долзарб бўлмасин, уларнинг бари кишиларга ҳавойи гаплар бўлиб туюлиши муқаррар.

Шу нуқтаи назардан, одамларни ғоя ва мафкурага нисбатан муносабатларига кўра икки тоифага бўлиб: бирини – ғояларга ёндашувда кўпроқ ишонч-эътиқодга таянувчилар, иккинчисини – ғоя ва мафкурага муносабатда манфаатдорликни устун қўювчилар, деб тавсифлаш мумкин.

Биринчи тоифадагилар барча хатти-ҳаракатларида, жумладан мафкурага муносабатларида ва унга амал қилишда, асосан ғояларга бўлган ишонч-эътиқодга таянади. Уларни муайян маънода «ғояпарастлар» дейиш мумкин. Инсоният тарихидаги деярли барча улкан ўзгаришларнинг амалга ошишида ана шу тоифа асосий роль ўйнаган.

Иккинчи тоифадагилар ҳар бир иш–ҳаракатида, жумладан, у ёки бу мафкурага амал қилишда, ва умуман, ғояларга бўлган муносабатда албатта бирор манфаатни кўзлайди. Уларнинг дунёқарашида, ҳаёти ва фаолиятида манфаатдорлик устун туради. Ғоялар яратишда ёки бирор мафкурага амал қилишда ҳам ўзларининг маълум бир (моддий ёки руҳий) манфаатларидан келиб чиқишади. Муайян шароитда ғояпарастлар-ақидапарастга, бу тоифадагилар эса, манфаатпарастга айланиши мумкин. Шароит туғилганда, манфаатпарастлар Рим империясининг қулашида, Буюк Амир Темур давлатини парчалашда ёки бошқа тузумлар барбод бўлишида асосий ўрин тутган. Шу сингари, ақидапарастлар ҳам, шароит имкон берган жойда дин ва дунёни бузиб, турли қарама-қаршиликларнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Бу иллатлар, қаерда мафкурасизлик – ғоявий бўшлиқ юзага келса, ўша ерда авж олиши кузатилади. Мафкурасизлик ва ғоявий бўшлиқ – инсон ёки жамиятда бирор аниқ мақсад, мўлжал ҳамда йўлнинг бўлмаслиги, яъни яхлит ғоя ва мафкуранинг йўқлиги деганидир. У ғоявий-мафкуравий онгсизлик, билимсизлик сабабли юзага келади. Ғояпарастликни, соғлом ишонч-эътиқод чегарасидан чиқиб, ақидапарастликка, манфаатдорликни ижтимоий меъёрдан ошиб, манфаатпарастликка айланиши ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, айнан мафкурасизлик – ғоявий билимсизлик туфайли рўй беради. Шу боис, ғояларни ақидага, манфаатдорликни иллатга айланиб кетмаслиги учун ғоя ва мафкурани чуқур ўрганиб, ўзлаштириш билан кишиларда соғлом ишонч-эътиқодни шакллантириш тақозо этилади. Қолаверса, ҳозирги замонда одамлар ўзлари билмаган, нореал нарсага ишониб, эътиқод қилишавермайди. Бундай ишонч-эътиқод бўлганда ҳам, у заиф, пассив, кўпроқ ақидапарастликка мойил бўлади. Бу – инсонларнинг руҳий-маънавий эҳтиёжларидан келиб чиққан, лекин мавҳум, иррационал – ҳиссиётга асосланган, кўр-кўрона эътиқоддир. Бинобарин, кишиларимизда миллий истиқлол ғоялари тўғрисидаги системали (илмий) билимларга асосланган мустаҳкам мафкуравий ишонч-эътиқодни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун мафкура мазмунидаги ғояларга бўлган ишонч-эътиқод билан манфаатдорликнинг ҳар бир ижтимоий-маънавий макондаги ривожланиш мароми жамият тараққиёти талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Фикримизча, бу ғоят муҳим аҳамиятга эга масала. Чунки, инсон ва жамият ҳаётига мафкуранинг амал қилиш тамойилларини жорий қилишда, унинг ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ мазмунини ёритиш ва умуман ғоявий-мафкуравий ишларни фалсафий асослаб, системалаштиришда, албатта, шу масалани ҳал қилиш жуда муҳим.

Шубҳасиз, юқорида баён қилинганидек, манфаатлар мафкуранинг мазмунида муҳим ўрин тутади. Одамларга ғоялардаги манфаатларни англатмасдан туриб, мафкурани оммалаштириб (халқчиллаштириб) бўлмайди. Аммо, уни фақат манфаатларга боғлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки: **биринчидан,** жамиятдаги кишилар, гуруҳлар, тоифалар турлича бўлгани учун манфаатларнинг ўзи ва уларга ёндашувлар ҳам ҳар хил. Шу боис, мафкурага фақат манфаатлар асос қилиб қўйилса, у зиддиятли бўлиб қолади. **Иккинчидан,** мафкура манфаатнинг ўзи эмас, унга эришиш усули – воситасидир. Мафкурани ўрганиб ўзлаштириш, ундаги ғояларнинг моҳиятини англаш манфаат ва мақсадларни рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлиш демакдир. **Учинчидан,** фақат манфаатлар билан боғлиқ ғоявий-мафкуравий билим, онг, савия асосий мақсадларни рўёбга чиқариш учун заифлик қилади. Масалан, ғоя ва мафкурага муносабатда манфаатларни устун қўювчи одамлар айни шу манфаат – мақсадга етиш учун, керак бўлса, ҳаётини тикиб курашолмайди. Яъни, бундай одамлар ўз манфаат–мақсадларига эришиш учун ҳамма нарсани қилади, аммо, кези келганда манфаатидан воз кечиб, мақсадидан қайтади. Миллий ғоя – эл-юрт манфаати ва мақсадлари учун фақат ишонч-эътиқодли инсонларгина жон тикиб курашиши мумкин.

Демак, мафкуранинг мазмунида манфаатдорлик ва ишонч-эътиқод ўзига хос ўрин тутади. Манфаатларни англаш билан мафкура шаклланади, албатта. Бироқ, бундай мафкура инсон ва жамият ҳаётида нисбатан пассив даражада амал қиладиган, кўпроқ манфаатдорликни қондириб, манфаатпарастликни рағбатлантирувчи бўлиб қолади. Мафкуранинг бу даражаси ундаги ғояларни тўла рўёбга чиқара олмайди. Шу нуқтаи назардан, ғоялардаги манфаатларни англаш мафкуранинг юзага келиб, инсон ва жамият ҳаётида амал қилишининг муҳим шарти, унга бўлган ишонч-эътиқод шаклланишидаги биринчи ва асосий босқичдир. Демак, манфаатдорлик мафкуранинг шаклланиб, ривожланиш асосини, ишонч-эътиқод эса, амал қилишининг фаол даражасини белгилайди. Ғояларнинг амалга ошишида айнан мафкуравий ишонч-эътиқод ҳал қилувчи ўрин тутади.

Айни пайтда, мафкуранинг ишонч-эътиқодга айланиб, халқчиллашиши ва ундаги ғояларнинг рўёбга чиқиши учун жамиятда кишиларнинг мафкурага амал қилишини рағбатлантирувчи (стимул) расмий, сиёсий, ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар билан боғлиқ реал ижтимоий муҳит (механизм) – руҳий-маънавий мотив ҳам бўлиши лозим. Чунончи, жамиятда маънавият ва маърифатнинг ижтимоий-сиёсий мақоми ҳамда маданиятли кишиларнинг мавқеи баланд бўлиши, ўз кучи ва билимига таяниб яшайдиган соғлом мафкуравий эътиқодли кадрларнинг қадрланиши, умуман миллий тараққиёт концепциясидаги тамойилларнинг ҳаётда тўла амал қилиши каби омиллар ана шундай мотив – механизм бўлади.

Шундай қилиб, мафкуранинг шаклланиб, ривожланиши кишиларнинг ундаги ғояларга бўлган ишонч-эътиқодлари ва манфаатлари билан узвий боғлиқ. Айни шу омиллар унинг инсон ва жамият ҳаётида амал қилиб, ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатишини белгилайди.

**Шавкат ТОҒАЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети доценти.**



Ерга уруғ қадар, бободеҳқоним!

# БИЛИМ ЮРТИ КЎЗГУСИ

**Кундалик ҳаётимизни радио, телевидение ва матбуот каби оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, тезкор XXI асрда турли соҳаларда, фан ва техника, адабиёт ва санъатда эришилаётган ютуқлар, дунё воқеалари, янгиликлари уларда ўз аксини топади.**

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти қуйи матбуоти – деворий нашрлари ҳам курсантларнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишида, назарий билимларни яхши ўзлаштириши ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишида яқин кўмакчи воситасини ўтамоқда. Шонли саналар, байрамлар ва муҳим воқеаларга бағишлаб чиқарилаётган деворий нашрларнинг таъсирчан, ўқишли, мундарижаси хилма-хил ва безакли қилиб чиқарилиши диққат-эътиборни тортмай қолмайди.

Факультет ва гуруҳларда чиқарилаётган деворий газеталар – курсантлар ҳаётининг кўзгуси. Унда жамоа аъзоларининг назарий билими, амалий машғулотлардан олган тажрибаси, хулқ-атвори, дунёқарашлари ўз аксини топади. Одатда курсантларнинг мақсад ва интилиши, мутахассислиги ҳамда қизиқишларига қараб деворий газетага ном танланади. Ҳақиқатан ҳам билим юрти факультетлари ва гуруҳларида бунга алоҳида эътибор қаратишган. Шунинг учун ҳам билим юрти ҳаёти, курсантлар иштирокида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар ҳақидаги мақола ва хабарлар, ҳордиқ учун мўлжалланган рукнлар деворий нашр мундарижасини бойитиб, таъсирчанлигини янада оширмоқда.

Билим юртида ҳар йили Мустақиллик, Ватан ҳимоячилари кунларига, шунингдек, Наврўз байрамига бағишланган деворий газеталар ва расмлар кўрик-танловларининг ташкил қилинаётганлиги одат тусига айланиб қолган. Ғолиб бўлган гуруҳ ва ижодкор курсантлар билим юрти раҳбариятининг мукофотларига сазовор бўлишмоқда. Масалан, «Муҳандис», «Парвоз», «Ёш куч» каби деворий газеталар ҳар доим биринчиликни қўлга киритади. Деворий нашрларнинг энг яхшилари билим юрти «Маънавият ва маърифат хонаси»га қўйиладди, тахланиб, сақлаб борилади.

Кейинги йилларда бу ерда ҳажвий деворий нашрларга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, «Тиканак» ва «Ҳандалак» деб номланган газеталар мунтазам чиқарилиб, машғулотлардан кечикувчи, интизомсизлиги, ножўя хатти-ҳаракатлари билан кўзга ташланган курсантлар ҳажв қилиниб, уларнинг карикатуралари бериб борилялпти. Бу эса танқиднинг таъсири янада ортишига, таълим-тарбия ишларининг яхшиланишига ёрдам бермоқда.

Ўзингизга маълум, жамоада деворий нашрга эътибор ва рағбат кучли бўлса, бу посбонларнинг маънавий шаклланишига, касб-ҳунар эгаллашга қизиқиши ортишига, таъсир қилади. Қолаверса, бўш вақтнинг мазмунли ўтишини таъминлайди. Бу борада муҳандислик факультети курсантларидан Илҳом Абдувалиев, Жамол Каримов, Ғафур Мелиев ва Тўлан Абдураҳимовларнинг хизматларини, деворий газеталарни тайёрлашдаги куйинчакликларини алоҳида таъкидласак арзийди.

– Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан факультет ва гуруҳлараро деворий нашрларнинг кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилиб борилмоқда, – дейди билим юрти тарбиячи офицери подполковник Абдуғани Ҳамидов. – Ушбу тадбир бошқа байрамлар қатори кўтаринки руҳда ўтказилиб, кенг тус олмоқда. Бу эса курсантларнинг матбуот нашрларига бўлган эътибори, ҳурмати ортишига хизмат қилмоқда, десак асло янглишмаймиз.

**Абдулла САИДОВ.**

# «БОБУРНОМА»ДА СПОРТ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Назири йўқ киши» Ҳазрати Алишер Навоийнинг шатранж мажлисларида қатнашиб турганлиги «Бобурнома»да қизиқарли лавҳа орқали баён этилади: «Алишербекка (Биноий) хейли мутаариз экандур. Ул жумладан бири будурким, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноийнинг (орқасига) тегар. Алишербек мутояба била дери, «ажаб балоест дар Ҳири агар пой дароз ба (пушти) шоир мерасад» (ажаб бир балодирки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегади). Биноий дерким, «агар жамъ мекуни ҳам ба (пушт) шоир мерасад» (йиғсангиз ҳам шоирнинг орқасига тегади). Бу лавҳа минтақамизда шатранж мажлислари қувноқ кайфиятда ўтганлигидан, демакки, мунтазам уюштирилганидан далолат беради.

«(Зуннун) шатранжга кўп машъуф эди. Эл бир илик била ўйнаса, ул икки илик билан ўйнар эди. Ҳар неча кўнгил тилар ўйнар эди». «Яна Мир Муртоз эди. Шатранжга кўп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутиб ўлтурур экандурким кетмагай деб». «Муҳаммад Тархон шатранжни бисёр ўйнар эди, яхши ўйнар эди». Бу иқтибослар беш аср илгари ҳам шатранж яъни шоҳмот халқимизнинг севган ўйинларидан бири бўлганлигини тасдиқлайди.

Унутилаёзган ўйинларимиздан бири қабақ ёки қабоқдир. Бу ўйинда ёй билан нишонга олиб, машқ қилиш учун ходанинг учига нишон – қовоқ ўрнатилади. «Бобурнома»да шу ўйинга боғлиқ лавҳалар ҳам бор: «Султон Аҳмад Мирзо ўқни бисёр яхши отар эрди. Қабақни майдоннинг ул боши, бу бошидан кириб аксар урар эди», «Яна Ислим Барлос эди. Турк киши эди. Ўттиз-қирқ ботмон ёй куч била отиб, тахтадин ўткарур эди. Қабақ майдонида майдон бошидан чопиб, ёйни тушуриб кўриб, отиб қабақни урар эди». Келтирилган иқтибосларга эътибор берсангиз, қабақ ўйини учун махсус майдонлар танланганини, катталар ўз маҳоратларини кўрсатиб, ёшларга ибрат бўлишганини илғаб олиш қийин эмас.

«Ҳасан Яъқуббек мардона киши эди. Чавгонни яхши ўйнар эди». Ўн олтинчи асрда битилган бу сўзлар эса, бизга ўша даврда чавгон ўйини оммавий эканлигидан дарак етказади. «Баҳодур улушини Сайид Қосим олди. Баҳодурлук улуши мўғулда қадимий расмдир. Ҳар тўй ва ош бўлғонда ҳар кимки элдин ўзуб қилич тегурғон бўлса, ул улушни ул олур». Бу халқимиз йиғинларида анъанавий равишда қиличбозлик мусобақалари ўтказилиб турилганини кўрсатади.

Китобда кўплаб тарихий шахсларга оид қимматли маълумотлар учрайди. Дунёга донғи кетган олим Мирзо Улуғбекнинг қуш билан ов қилишдан анчайин маҳоратли эканлиги айнан «Бобурнома»да зикр этилган. Ёки Ҳусайн Бойқаронинг тенгсиз қиличбоз бўлгани қуйидагича таърифланади: «Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн Мирзоча қилич чопмиш бўлғай».

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз отаси Умаршайх Мирзо ҳақидаги хотираси олис ўтмишдаги бир кураш мусобақасини эсга солади: «Бисёр зарб мушти бор эди, унинг муштидан йигит йиқилмоғон йўқтур». Китобда бу кураш ҳақида бошқа лавҳа ҳам бор: «Яна Сайфий Бухорий эди, маҳкам зарб мушти бор экан». Хўш, бу қандай кураш мусобақаси? Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, бу кўкрак билан зарбани қайтариш мусобақаси деб номланади. Яъни курашчилар навбатма-навбат ғоз турган рақибининг кўкрагига мушти билан зарба бериб қулатишга ҳаракат қилади. Бундай зарбаларга мардона кўкрак кериш учун курашчилар қанча машқ қилганини ўзингиз тасаввурингизга келтирарсиз.



Умуман «Бобурнома»да кураш (кушти) ва полвон (куштигир)лар ҳақидаги хотираларга кенг ўрин берилган: «Тушган юртга куштигирларни куштига солдук. Паҳлавон Лоҳутий киштибон била Дўст Ясин-хайр кушти тутти. Қалин талашти, ташвиш била Дўст йиқитти. Иккаласига сарупо инъом бўлди», «Паҳлавон Содиқ била Улуғ Удий куштигир кушти туттилар. Содиқ имкора йиқти. Хейли ташвиш тортти», «Ушбу кун Содиқ била Кулолни куштига солдук. Кулол даъво била келиб эди. Аграда кушти тутмоққа йўл куфтини узр айтиб, йигирма кун муҳлат тилади. Қирқ-эллик кун муҳлатидин ўтти. Букун зарур бўлди, кушти тутти. Содиқ яхши кушти тутти, хейли осон йиқти. Содиққа ўн минг танга ва эгарлик от ва бош-оёқ тугмалик чакмон инъом бўлди. Бовужудким, Кулол йиқилиб эди, маъюс қилмай, анча ҳам сару пой ва уч минг танга инъом бўлди».

Мазкур лавҳаларда халқимизга, миллий курашимизга хос гўзал урф-одатлари ўз ифодасини топган. Ҳа, азалдан халқимиз курашни қадрлаган, полвонларнинг ҳурматини жойига қўйган. Беллашувларда ғолибга ҳам, мағлубга ҳам ҳиммат кўрсатган. Ўз навбатида полвонлар ҳам танти бўлишган. Мен зўрман деб, дарҳол даврага чиқиб кетишмаган, талабгорга имконият беришган. Эътибор берган бўлсангиз, Содиқ полвон рақибини «хейли осон» йиқитишини билгани ҳолда муҳлат сўраган. Ҳатто муҳлатни қирқ-эллик кун ўтказган. Бу унга талабгор бўлган Кулолнинг беллашувга тайёрланиши учун, ўз имкониятини қайта чамалаши учун етарли муддатдир.

«Ўзбек зўр кишини бўка дер эмиш». Бу жумла спорт аҳли луғатини «бўка» деган гўзал сўз билан бойитади. Зеро, «Бобурнома»да бундай унутилаёзган сўзлар, иборалар ва жисмоний маданиятимиз тарихини акс эттирган қимматли маълумотлар бисёр. Фақат биз унга тез-тез мурожаат қилиб туришимиз лозим. Шу боис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари спорт аҳли учун ҳам олтин мерос, китобларнинг «бўка»си десак, ҳеч бир муболаға қилмаган бўламиз.

**Асрор МЎМИН.**

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ




Гўзал ва оқила Шаҳло Раҳмонова имкониятлардан унумли фойдаланиб, қийинчиликларни мардонавор енгиш баробарида эртанги кунга катта умид билан боқади.

Табиатидаги қувноқлик ва интилувчанлик, кенг дунёқараши уни янгидан-янги муваффақиятлар сари етаклайди. Андижонлик бу латофатли қиз ҳақида янада тўлиқроқ маълумот берадиган бўлсак, у Тошкент хореография билим юртида таҳсил олиб, балет рақс санъатини мукаммал эгаллаган. Шаҳло икки йилдан буён Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблида шартнома бўйича хизмат қилиб келмоқда.

Шаҳло бадиий адабиётга жуда қизиқади. Айниқса, саргузашт романлар унинг жону дили. У учун ошхонада бирбиридан мазали таомлар пишириб, ҳар қандай нозиктаъб меҳмонларнинг кўнглини олиш муаммо эмас.

Бу зебо қизимизнинг ҳаётдаги улкан орзуси ўзбек рақс санъатини бутун оламга кўзкўз қилишдир. Биз унинг эзгу мақсадига эришишига албатта ишонамиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

## В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Санкт-Петербургским музеем восковых фигур выполнено 30 экспонатов. Это обладатели самых длинных пальцев и шеи, самых больших ушей и ног, близнецы-лилипуты, человек-циклоп и братья-волки. Есть на выставке и забавные персонажи, такие, например, как американец Билл Хенкс, мечтавший попасть в Книгу рекордов, и сумевший для этого засунуть себе в рот видеокассету. Дополняют необычную коллекцию четвероногая женщина, человек-штопор, двухголовая китаянка, женщина-пингвин. Есть и другие сюрпризы. Все персонажи выставки – это люди, действительно жившие в прошлом, либо наши современники. Многие из них могут послужить примером оптимистического отношения к жизни. Они смогли принять себя такими, какие есть и даже добиться успехов в жизни.

## ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Алижон САФАРОВнинг «Армиям» шеърида Қуролли Кучларимиздан, миллий армиямиздан фахрланиш, ғурурланиш руҳи уфуриб турибди. Ушбу шеърни ҳарбийларимиз қўшиқ қилиб куйлашлари мумкин.

### АРМИЯМ

Бахт эпкини кезар сокин осмонда,
Фақат тўй жаранги Ўзбекистонда,
Чунки сафларида асл посбон-да,
Ўн тўрт ёшли зўр навқирон армиям,
Элу юртга доим қалқон армиям.

Темур руҳи посбонларинг қонида,
Жалолиддин жасорати танида.
Тинчликка машъал жаҳон майдонида,
Ўн тўрт ёшли зўр навқирон армиям,
Элу юртга доим қалқон армиям.

Ерда, кўкда, сувда кўз-қулоқ ўзинг,
Сарҳадларда порлаган маёқ ўзинг.
Халқ билан якдилсан, доим тоғ ўзинг,
Ўн тўрт ёшли зўр навқирон армиям,
Элу юртга доим қалқон армиям.

Аскаринг Алпомиш, Рустам келбатли,
Ёвга омон бермас шердек шиддатли,
Туркийга хос матонатли, ҳайбатли,
Ўн тўрт ёшли зўр навқирон армиям,
Элу юртга доим қалқон армиям.

Қўриқлайсан Ватанни, истиқлолни,
Бизга насиб этган буюк иқболни.
Келажакни, кўз очган истиқболни,
Ўн тўрт ёшли зўр навқирон армиям,
Элу юртга доим қалқон армиям.

## ИСКУССТВО ХОРЕЗМИЙСКИХ ЮВЕЛИРОВ









Из всех школ ювелирного искусства, известных в Узбекистане, наибольшей выразительностью и художественным своеобразием отличается хорезмийская.

Изделия здешних мастеров – это необычное богатство форм, пышность и сложность композиционного решения, изящество отделки и проработанность деталей.

Традиционный женский костюм включает в себя массу различных дополнений – от привычных серег и колец до экзотических височных и налобных украшений. Генезис многих из них связан с культурой степного кочевого мира. Древние племена Хорезма были кочевниками-скотоводами, оттого ювелирные украшения сохранили полифоническую связь с их мироощущением. Со временем, под влиянием эстетики городской среды, привнесшей в ювелирное искусство изысканность форм и добротность художественных решений, менялась общая трактовка каждого вида хорезмийских украшений.

Многие из них восходят к боевому облачению женщин-воительниц. Женщины степных кочевых племен были не только полноправными членами общины, но и наравне с мужчинами участвовали в военных сражениях. К слову, древнегреческие хроники донесли до наших дней легенды об удивительных женщинах-амазонках, живших за Каспием. С веками такие предметы воинского облачения, как шлем, щит, колчан, кольчуга, утратив свои изначальные функции, превратились в стилизованные украшения, став неотъемлемой частью женского костюма.

Украшение на шапочку в форме многоугольной пластины или куполка – «Такья дузи», – с которого ниспадают подвески. «Ук-ей» – затылочное украшение, крепившееся на шапочке – тахья. Смысл других украшений был связан с оберегающей силой сглаза. Так, отгонять злых духов призваны многочисленные подвески, издающие легкий перезвон. В форме листиков, бутонов, зерен – символов плодородия.

Сердцевидный кулон «Асык» связан с культом богини-матери. Он дарился молодой женщине, готовящейся стать матерью.

Существовали у древних хорезмийцев и особо почитаемые тотемные животные. Одно из них – лягушка. Ее образ просматривается в амулетах, подвесках. «Манглай-тузи» или «Осма-тузи», пластины, декорированные золочением, известны в Бухаре, Самарканде, Ташкенте как «Тилла боргак», символизируют стены крепостных укреплений. Связь головных украшений с архитектурой прослеживается у многих народов.

Хорезмийское ювелирное искусство славилось своими эмалями. С их помощью декорировались налобные части комплекта «Шокила». Это украшение сохранилось только в Хорезме. В технологии ювелирного искусства использовались тонкое листовое серебро и позолота, гравировка, филигрань, бирюза, сердолик, цветное стекло...

Ювелирные украшения Хорезма – не только прекрасные произведения искусства, но и своеобразные хранители исторической памяти народа. Свидетельство его таланта и тонкого вкуса.



Мулоҳаза

## БИЛГАН ТОПИБ ГАПИРАР

Жамоат автобуслари одатда одамлар ишга борадиган ва қайтадиган пайтларда доимо тиқилинч бўлади. Ўшандай вақтларда бўлиб ўтган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Автобуснинг олди эшигидан чиққан тўлагина аёл зўрға сурилиб, ўртароққа ўтиб олди ва бир қўли билан ушлагичдан тутдию, нимадир бўлиб автобус йўлда кескин тўхтади. Ушлагичдан қўли чиқиб кетган аёл ўзини тута олмай ёнидаги қизнинг устига оғди ва тезда ўзини ўнглаб олди.

– Қанақа одамсиз ўзи? Ўзингизни тутиб турсангиз бўлмайдими, – деди қиз аёлнинг ёши улуғлигига, ўзининг жамоат транспортида кетаётганлигига ҳам эътибор бермай. – Гавдангиз билан елкамни эзиб юбордингиз-ку!

Невараси тенги қизнинг танбеҳидан аёлнинг дили оғриди.

– Мен атайлаб қилмадим-ку, қизим, – деди аёл.

– Атайлаб қилдингиз, автобусда юришни билмасангиз уйда ўтиринг.

Шунда кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаси етарли аёл икки оғиз сўз билан жанжалга нуқта қўйди:

– Мени кечиринг, қизим. Бир қошиқ қонимдан кеча қолинг.

Ҳа, билган топиб гапирар, билмаган қопиб, деб шуни айтсалар керак-да. Дарҳақиқат, биз маданият ҳақида жуда кўп гапирамиз. Кийиниш маданияти, тўйҳашамларда ўзини тутиш маданияти ва ҳоказо. Лекин ана шулар ичида энг муҳими бўлган муомала маданияти ҳақида етарлича тушунтириш бўлмаяпти чоғи.

Эртакларнинг кўпчилигида бир гап кўп такрорланади: саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим. Бу салом беришнинг аҳамиятига ишора. Демак, ўзидан катталарни кўрганда, бирор идорага иш билан борганда, телефонда кимгадир мурожаат қилганда чиройли салом беришнинг аҳамияти жуда ҳам катта.

Айтишларига қараганда, эрталаб инсондаги барча аъзолар тилга ялинишар экан: кун давомида сен ўзингга эҳтиёт бўлгин, ноўрин пайтда ножоиз гапларни гапирма, токи сен туфайли биз ҳам Тангри таоло жазосига мубтало бўлмайлик, дея.

Дарҳақиқат, ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деганларидек, ҳар биримиз тилимизга, сўзимизга ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғимиз лозим. Токи, мулоҳаза қилиб ўтирмасдан айтган гапимиз учун кимнингдир дили оғриб қолмасин.

Қадрли буважон ва бувижонлар авлодининг давомчилари бўлган суюкли набираларига муомала маданияти ҳақида кўпроқ тушунтирсалар фойдадан холи бўлмас эди, албатта.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**




## ЭЪТИБОРЛИМИСИЗ ЁКИ АКСИНЧА?

**Қуйида берилган саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.**

1. Эътиборсизлигингиз туфайли турли ўйинларда ёки баҳсларда кўп ютқазасизми?
2. Бир вақтнинг ўзида ҳам бирор ишни бажариб, ҳам суҳбатдошингизни тинглай оласизми?
3. Эътиборсизлигингиз туфайли дўстларингиз ва танишларингизнинг кулгисига сабаб бўлиб турасизми?
4. Йўлни кесиб ўтаётганда иккала томонга ҳам қарайсизми?
5. Ҳеч кўчадан пул ёки калит топиб олганмисиз?
6. Икки йил олдин кўрган фильмингиз мазмунини тўлиқ гапириб бера оласизми?
7. Муҳим иш билан банд пайтингизда сизга ҳалал беришса, жаҳлингиз чиқадими?
8. Уйда керак бўлиб қолган буюмни тез топасизми?
9. Дўконда қайтим беришса, касса олдидан кетмай санаб кўрасизми?
10. Кўчада кетаётганингизда бехосдан чақириб қолишса, сесканиб кетасизми?
11. Бирор марта бўлса ҳам нотаниш одамни танишингиз билан чалкаштирганмисиз?
12. Тушадиган бекатингиздан ўтиб кетган пайтларингиз бўлганми?
13. Катта шаҳарда бировнинг ёрдамисиз илгари фақат бир мартагина борган жойингизни топа оласизми?
14. Эрталаб уйғонишингиз осон кечадими?
15. Яқинларингизнинг туғилган кунлари ёдингизда турадими?

**Феруза АЛИЕВА тайёрлади.**

**Жавоблар учун баллар:**

Агар 2, 3, 4, 5, 6, 8, 9, 13, 14, 15-саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз 1 баллдан, мабодо 1, 7, 10, 11, 12-саволларга «йўқ» деган бўлсангиз, уларга ҳам 1 баллдан қўйиб, ҳаммасини қўшиб чиқинг. Тўплаган балингиз:

<u>11 дан юқори бўлса,</u> сиз жуда ҳам эътиборли ва интизомли инсонсиз. Хотирангизга ҳам ҳавас қилса арзийди.

<u>5 баллдан 10 баллгача бўлса,</u> сиз муҳим нарсаларни ёдда тутиб, иккинчи даражали деб ҳисоблаганларингизни унутиб қўясиз. Баъзида эътиборсизлигингиз панд беради. Қўпол хатоларга йўл қўймаслик учун фикрингизни бир жойга жамлаб, хотирангизга эътибор беринг.

<u>5 баллдан паст бўлса,</u> сиз жуда ҳам эътиборсиз одамсиз. Бу эса ҳаётингизда жуда кўп тўсиқлар пайдо бўлишига олиб келади. Эътиборсиз эканлигингизни юзингизга айтишса, «ҳар хил майда-чуйдаларга диққатимни жалб қилишни ёмон кўраман», деб эътироз билдирасиз. Аммо ана шу эътиборсизлигингиз бошқаларга ҳам азият етказиши мумкинлигини ёдингиздан чиқарманг!



Осмонга устундир гўзал, кўркам миноралар!

Ўқув қўлланма

# ҲАРАКАТ ФАНИ




«Саф тайёргарлиги услубиёти» ўқув қўлланмасини ҳаракат фани деб таърифласак, хато қилмаган бўламиз. Ҳарбий хизматчининг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши ҳарбийча бўлиши шарт. Саломлашиш, шахдам қадам ташлаб юриш, сафда туриш, сафдан чиқиш, бошлиқ олдига келиш, бурилиш, қурол билан сафда туриш, секция, гуруҳ, взводнинг пиёда ҳолати, бўлинманинг машиналардаги ҳаракати – буларнинг барчаси ҳаракатга асосланган.

Саф тайёргарлиги жанговар тайёргарликнинг асосий илмларидан бири ҳисобланади. Ҳарбий хизматчининг фаолиятини саф тайёргарлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур тайёргарлик ҳар бир ҳарбий хизматчининг иродасини тоблайди, ўз жисмини бошқара олишни пишиқтиради, синчковликни, кузатувчанликни, жамоавийликни, қатъийликни шакллантиради, ҳарбий тартибга риоя қилишга ва интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Саф тайёргарлиги услубиёти» ўқув қўлланмасининг «Кириш»ида шундай таъкидланган: «Ҳарбий хизматчи сафда турганда, бу уни интизомга, фикрни жамлашга, батартибликка ўргатади, саф командаларини бажариш эса аскарни сўзсиз командирга бўйсунишга ўргатади.

Ҳозирги пайтда, ҳарбий бўлинмалар ва қисмлар мураккаб жанговар техника ва қурол-аслаҳа билан қуролланган, жангда жамоавий қуролнинг роли янада ошганда саф маданиятининг даражаси ўта юқори бўлиши керак».

Шу нуқтаи назардан, саф тайёргарлиги бўйича ўқув қўлланма офицерлар, сержантлар, аскарлар, умуман олганда, барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун жуда муҳим. Ушбу қўлланма олий ўқув муассасалари ҳарбий кафедраси талабаларининг дарсларида, умумтаълим мактаблари, лицей, коллеж ўқувчиларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланмани полковник Б. Ғафуров тайёрлаган. Мазкур қўлланмани ўзбек тилида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти 5 минг нусхада чоп этди.

Ҳарб илми, ҳарб санъатига оид яна бир қўлланма давлат тилида тайёрланганлиги айни муддао бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Изланишлар давом этмоқда.

**Подполковник**
**Абдураззоқ БАЙРАМОВ.**

# ҚИЗИҚАРЛИ СЕМИНАР

Тошкент гарнизонидаги офицерлар уйида гарнизон ҳарбий қисм ва муассасалари тарбиячи офицерлари, клуб бошлиқлари ва кутубхона мудиралари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ушбу семинар юртдошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга йўллаган хатлари асосида чоп этилган «Президентга мактублар» асарини ўрганиш ва унинг муҳокамасига бағишланди. Семинарда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими Мамадали Эронов, «Оила» илмий-амалий маркази ходимаси Умида Темирова, Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими шоир Рустам Мусурмон ва бошқалар иштирок этди ҳамда йиғилганларга асар ҳақида маълумот беришиб, сўзга чиқишди.

– Бундай тадбирларни ўтказиб туришнинг аҳамияти катта, – дейди семинар қатнашчиларидан бири бўлган ҳарбий қисм кутубхона мудираси Саниба Шаҳобова. – Биз бу ерда ўрганганларимизни ўз қисмимизда китобхонларга етказамиз. Табиийки, бу билан улар тафаккурида асар ҳақида тасаввур уйғотамиз. Тезкорлик таъминланади, китобга қизиқиш ортади. Бу эса интеллектуал салоҳият юксак қадрланаётган замонавий армиямиз талабларига жуда мосдир.

Тадбир Мудофаа вазирлиги Маданий ишлар хизмати ташаббуси билан ташкил этилди.

**Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.**
**Капитан Дилявер АБЛАЕВ олган сурат.**





# САМОЕ ГЛАВНОЕ – БЕЗОПАСНОСТЬ ЛЮДЕЙ

После окончания военной службы подполковник в отставке Юрий Михайлов уже более четверти века трудится в системе народного образования республики. Он доцент Центрального института повышения квалификации руководящих работников народного образования (ЦИПКРРНО), является автором учебных программ по допризывной подготовке и «Основ безопасности жизнедеятельности» для общеобразовательных школ, а также составителем, разработчиком учебно-методических пособий и рекомендаций для преподавателей допризывной подготовки и основ безопасности жизнедеятельности.

**— Юрий Михайлович, какие цели и задачи преследует предмет «Основы безопасности жизнедеятельности»? Расскажите о его содержании.**

— Новая образовательная область «Основы безопасности жизнедеятельности» имеет своей целью формирование у обучающихся основных понятий об опасных и чрезвычайных ситуациях в повседневной жизни, об их последствиях для здоровья и жизни человека, о выработке у них сознательного и ответственного отношения к личной безопасности, безопасности окружающих и приобретению способности сохранять жизнь и здоровье в неблагоприятных и угрожающих жизни условиях, адекватно реагировать на различные опасные ситуации с учетом имеющихся возможностей.

Основная задача этого предмета — подготовить обучаемых к безопасному поведению в повседневной жизни, в опасных и чрезвычайных ситуациях природного, техногенного и социального характера, сформировать у них навыки здорового образа жизни и умение оказать первую медицинскую помощь при различных видах травм и повреждений.

Тематическое содержание ОБЖ включает в себя три раздела:

— основы здорового образа жизни;

— безопасность и защита человека в опасных и чрезвычайных ситуациях;

— основы медицинских знаний и правила оказания первой медицинской помощи.

Все разделы логически взаимосвязаны и взаимообусловлены не только между собой, но и с другими образовательными предметами, прежде всего с физической культурой, экологией, химией, биологией, предметом «Мир вокруг нас», естествознанием, историей и основами предмета «Государство и право».

**— Кто проводит эти занятия в общеобразовательной школе?**

— Занятия по ОБЖ в начальных классах должны проводить классные руководители в составе уроков физического воспитания. Учащиеся обучаются правилам безопасности поведения дома, на улице, в школе, в общественных местах, на природе.

Программа ОБЖ для 5—9-х классов предусматривает работу по одним и тем же темам. Это сделано для более глубокого и прочного усвоения материала. При этом предполагается, что при изучении каждой темы в каждом очередном классе происходит расширение и дальнейшее углубление знаний об опасностях повседневной жизни, а также совершенствование и наращивание умений и навыков безопасного поведения в окружающей среде.

**— Как развивается внедрение предмета в настоящий момент?**

— К сожалению, приходится констатировать, что за шесть лет новая образовательная область «Основы безопасности жизнедеятельности» пока еще окончательно и прочно не утвердилась и не сформировалась в стройную систему жизненно необходимых для учащихся знаний, умений и навыков, охватывающих теорию и практику защиты человека от опасных и вредных факторов природного и техногенного характера во всех сферах его деятельности, а также в обязательную выработку правил здорового образа жизни.

Становление ОБЖ как специального курса или отдельного предмета не состоялось, работа по эффективному внедрению новой образовательной области в учебный процесс также не завершена.

Вследствие этого в республике не разработаны учебники для всех классов и не налажен их выпуск массовым тиражом; разработка дидактических технологий и учебно-методических пособий не осуществляется, и никто этой работой не руководит и не направляет ее по нужному пути; подготовка и переподготовка преподавателей организуется не на должном уровне.

**— Какие, по вашему мнению, видятся меры по эффективному внедрению предмета в учебный процесс?**

— Согласно учебному плану в общеобразовательных школах проводятся занятия и уроки по Правилам дорожного движения, по укреплению и сохранению здоровья учащихся, по основам здорового быта и семейной жизни, по предметам «Одобнома», «Мир вокруг нас». Эти занятия и уроки по существу являются обязательными и неотъемлемыми составляющими образовательной области «Основы безопасности жизнедеятельности» и относятся к соответствующим разделам ее учебной программы.

Для завершения работы по становлению курса ОБЖ и эффективному внедрению его в учебный процесс требуется сделать решительный шаг в объединении и систематизации достаточно разнородных материалов по обеспечению безопасности личности в одну системную, всестороннюю и широкую новую образовательную область, имеющую перекрестные связи со всеми предметами образовательной программы. Вслед за этим шагом следует разработать и утвердить Министерством по чрезвычайным ситуациям и Министерством здравоохранения Республики Узбекистан обязательный минимум содержания обучения по вопросам обеспечения безопасности жизнедеятельности и требований, предъявляемых к уровню подготовки учащихся общеобразовательных школ. Это является основанием для разработки полной и комплексной учебной программы, учебников, учебно-методических пособий, а также программ подготовки, переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.

**Беседу вел**
**майор Нуриддин ХАЙРИТДИНОВ.**

Ҳарбий техника янгиликлари

# «ТУНГИ ОВЧИ»



Россия ҳарбий-ҳаво кучлари (ҲҲК) бош қўмондони армия генерали В.Михайлов бошчилигида ўтган давлат комиссияси йиғилишида МИ-28Н «Тунги овчи» вертолёти давлат синовларининг биринчи босқичи якунланганлиги ҳақида қарор қабул қилинди. ҲҲК матбуот маркази хабарига кўра, йиғилишда ушбу машинани Ростов шаҳридаги «Роствертол» заводида серияли равишда ишлаб чиқаришга имкон берувчи давлат комиссиясининг дастлабки хулосалари берилган. Бу қисқа муддатлар ичида ҲҲКнинг саф қисмларини янги МИ-28Н вертолётлари билан таъминлаш имкониятини яратади.

Ҳозирда қуролли кучларда фойдаланишда бўлган вертолётлар билан таққослаганда, МИ-28Н вертолётининг зарбдор комплекси самарадорлиги улардан 4-5 баробар юқори. Унинг техник тавсифларини режалаштирилган даражага етказишни ҳисобга олган ҳолда давлат комиссияси Россия мудофаа вазирлиги ва «Роствертол» ўртасида Россия ҳарбий-ҳаво кучларига ушбу русумдаги вертолётларни етказиб бериш борасида уч йиллик шартнома тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Биринчи босқичнинг ўзидаёқ полкларга 20 та МИ-28Н етказиб берилади.

Шуни эслатиб ўтамизки, биринчи серияли «Тунги овчи» 2005 йилнинг декабри охирида осмонга кўтарилган эди. Бу машинада ҳозиргача 140 та учиш амалга оширилган. Зарбдор жанговар вертолётнинг янги авлоди дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатига етказиб берилаётган МИ-24 вертолётини жанговар қўллаш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва яратилган. У классик бир винтли схемага эга.

НАТО классификатори МИ-28Н «Тунги овчи»ни «NAVOC» – «вайрон қилувчи» деб номлагани ҳам ушбу винтқанотли жанговар машинага берилган юксак баҳодир. МИ-28Н қуруқликдаги қўшинларни кундузи ва тунда, яхши ва мураккаб об-ҳаво шароитларида ўз жанговар ўт очиш қудрати билан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бунинг учун унда барча зарур нарсалар муҳайё: учишнинг юқори тезлиги, жанговар чидамлилик, кенг миқёсдаги замонавий ҳимоя ва зарба бериш воситалари.

Бундан ташқари, МИ-28Н ердан зарба берувчи воситалар учун сезилмасликнинг минимал даражаси билан ҳам ажралиб туради.

Вертолёт борт радиоэлектрон ускуналарининг интеграциялаштган (яхлитланган) комплекси билан жиҳозланган бўлиб, бу пилотаж ва навигация масалаларини кундузи ва тунда, оддий ва мураккаб об-ҳаво шароитларида, ўта паст баландликларда ҳал қилиш имконияти билан таъминлайди. МИ-28Н 30 мм.ли тўп билан жиҳозланган, балкали тутқичларга «Атака» русумидаги танкка қарши бошқарилувчи ракеталар, шунингдек бошқарилмайдиган авиацион ракеталар билан тўлдирилган блокларни илиш кўзда тутилган.

Жанговар шикастларга чидамлиликни конструкторлар двигателларни принципиал жиҳатдан янгича жойлаштириш, вертолётнинг энг муҳим тизимлари ва агрегатларини зирҳлаштириш, юқори мустаҳкамликка эга бўлган янги материаллар ва конструкцияларни қўллаш ҳисобига таъминлаганлар. Ёқилғи тизими конструкцияси портлаш ёки ёқилғи ёниб кетишига йўл қўймайди.

МИ-28Ннинг энг юқори тезлиги 324 км/соат, крейсер (оддий учиш) тезлиги – 270 км/соат. Статик кўтарилиш нуқтаси – 4000 м; динамик кўтарилиш нуқтаси – 5700 м, амалий ва бир жойдан бошқа жойга учиш (перегон) узоқлиги 450 ва 1.107 км.

**(Матбуот материаллари асосида тайёрланган).**

# МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



## Энергетическая безопасность

Главной темой лидеров Евросоюза на саммите, который состоится на этой неделе в Брюсселе, по-прежнему будет энергетическая безопасность. Доля природного газа в растущем мировом потреблении энергоносителей очень велика, и импорт в большинстве промышленных государств, особенно в странах Западной Европы, США и Японии, как ожидается, существенно возрастет.



## Возродят институт воспитателей

Вице-премьер — министр обороны РФ Сергей Иванов заявил, что первый выпуск профессиональных офицеров-воспитателей для вооруженных сил страны состоится в 2007 году. «Подготовка таких специалистов для ВС в настоящее время приобретает особое, я бы даже сказал, государственное значение в связи с тем, что в условиях перехода ряда соединений и частей на контрактный способ комплектования необходимо кардинально пересмотреть подходы к учению и воспитанию военнослужащих», — сказал министр.



## Лучший автомобиль в мире

В гонке за звание самого лучшего автомобиля в мире «Rolls-Royce Phantom» без труда обошел такие машины, как «Bentley Continental Flying Spur», «Daimler Super Eight» и «Mercedes Benz S600». Двигатель объемом 6,7 литра обеспечивает мощность в 453 лошадиные силы, а до 100 км/час этот с виду спокойный лимузин разгоняется всего за 5,7 секунды. Правда, и горючего он тратит немало.



## Обрушилось здание банка

В экономической столице Нигерии — Лагосе — обрушилось 24-этажное здание банка. По предварительным данным, 1 человек погиб и более 20 ранены. Спасатели начали разбор завалов, где, по некоторым данным, могут находиться до десяти человек, передает ИТАР — ТАСС.



## Ограбили олимпийскую чемпионку

Румынская олимпийская чемпионка в беге Дойна Мелинте, которой до сих пор принадлежит европейский рекорд на дистанции полторы тысячи метров, не смогла догнать трех подростков, выхвативших у нее кошелек. Инцидент произошел на заправочной станции в пригороде Бухареста. Хулиганы выхватили кошелек, в котором, помимо всевозможных документов и мобильного телефона, находилось около 30 тысяч долларов США. 49-летняя легкоатлетка, сохранившая завидную спортивную форму, бросилась в погоню за грабителями, но через полмили потеряла их из виду.




## «Philip Morris» предъявлен иск

Крупнейшему в США производителю сигарет компании «Philip Morris» придется выплатить более 82 млн. долларов по иску вдовы заядлого курильщика Ричарда Бокена. Компания была виновата в том, что не проводила должную рекламную политику по предупреждению потребителей ее продукции о вреде курения. Вдова Бокена, который скончался в 2002 году, получит 5,54 млн. долларов в качестве компенсации. Еще 76 млн. компания заплатит в виде карательных выплат и для погашения судебных издержек.



## Обнаружен саркофаг

На западе острова Кипр обнаружен 2500-летний каменный саркофаг, на стенках которого хорошо сохранились нанесенные цветные иллюстрации сцен из «Илиады» и «Одиссеи» Гомера. Уникальная находка была сделана неподалеку от селения Куклиа, в прибрежном районе Пафос. Рисунки сделаны черной, красной и синей краской. Одна из сцен изображает бегство Одиссея из пещеры Полифема, на другой показана битва греков с троянцами.



## Следы погибшей цивилизации

В Индонезии на острове Сумбава группа американских и индонезийских исследователей обнаружила остатки соломенной хижины, керамической и бронзовой посуды, а также скелеты двух человек. Ученые уверены, что это вещественные доказательства существования уникальной цивилизации. В раскопанном жилище археологи обнаружили останки людей, которые, по всей видимости, погибли моментально. Рядом со скелетом женщины, которая в момент смерти, скорее всего, находилась на кухне, лежит бронзовый мачете и расплавленная стеклянная бутылка.

(www.NEWSru.com).

## МАЪНАВИЯТ

Ҳарбийлар оиласида

# МЕҲР ЁҚҚАН ЧИРОҚ СЎНМАГАЙ

Подполковник Неъмат Маъруфовни танирдиму оиласи ҳақида маълумотим, тасаввурим йўқ эди. Қуролли Кучлар академиясини тугаллаб, хизматини сержантлар тайёрлаш мактабида давом эттираётган пайтда у билан танишганман. Спортчилар оиласидан етишиб чиққан бу ҳарбийнинг соҳасининг ипидан игнасигача билишига амин бўлганман. Ҳозирда эса бу тажрибали офицер қисмда – штаб бошлиғи вазифасида. «Штаб бошлиғи бўлиб тайинланганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин жанговар тайёргарликларда муайян ўзгаришлар бор. Жисмоний тарбия ва спорт борасида-ку алоҳида тўхталиш мумкин», дейди подполковник Абдулҳамид Абдураҳмонов лавҳамиз қаҳрамони ҳақида.



Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Дзюдо бўйича спорт устаси бўлган бу офицер жисмоний тайёргарликларга ҳам устувор аҳамият бериши табиий-да. Келинг, унинг жанговар фаолиятидаги фикрларга шу ерда нуқта қўйиб, оиласига назар ташласак.

Очиғи ҳарбийлар оиласида ўхшаш жиҳатлар кўп. Ахир, Ватан ҳимоясини касб билиб, муқаддас билиб хизмат қилаётган посбоннинг эрта кетиб, кеч қайтиши, юрт буюрган жойда бурчини ўташи, полигонларда, хизмат сафарларида юриши бор гап. Бу билан ҳарбийнинг аёлига оилада улкан масъулият тушади, демоқчимиз. Иродали, бардошли аёл ҳарбийга муқаддас бурчини шараф билан ўташда энг яқин ёрдамчи, дея баралла айтиш мумкин. Шундай экан, юрт ҳимояси ҳақида гап кетганда, аввало ҳарбийларимиз аёлларига таъзим қилса арзийди. Хўш, оилада эр ҳам хотин ҳам эгнига ҳарбий либос кийиб, юрт ҳимоясига камарбаста бўлишаётганда-чи? Англаган бўлсангиз, тилга олинмоқчи бўлинаётган оила худди шундай. Оила соҳиби ҳақида бироз бўлса-да тасаввурга эга бўлдингиз. Энди хонадон соҳибаси билан танишиб олайлик. У шартнома бўйича хизмат оддий аскари Сайёра Маъруфова бўлади. Сайёрахон катта телефончи вазифасида хизмат қилади. Уларнинг Азизабону ва Ширин исмли ширindан-шакар қизалоқлари бор.

– Гап кўнгилда, бир-бирингни тўғри тушунишингда экан. Баъзилар оилада эр ҳам хотин ҳам ҳарбий бўлса, анча қийинчиликлар юзага келади, деган фикрни билдиришади. Бу гапда жон бор, албатта. Дейлик, жанговар навбатчиликлар маҳали уйда кам бўлишимга тўғри келади. Фарзандлар, рўзғор деган гап бор. Бизнинг оилада бир-биримизни қўллаб-қувватлаш устувор. Иккаламиз ҳам ҳарбий бўлганимиз учун соҳанинг масъулияти, машаққатини яхши англаймиз. Ўзаро меҳр-муҳаббат ришталари бизни суяйди.

Хонадон бекаси турмуш ўртоғи ҳақидаги гапларни айтганида унинг оҳангидан фақат ва фақат самимиятни англадим. Самимият бор жойда табиийки, меҳр, муҳаббат бор.

Ширин ҳали чақалоқ. Азизабону эса 3 ёшни тўлдирган. Тўнғич фарзанд доимо дадасини орзиқиб кутади. Қиз боланинг отага меҳри бўлакча бўлади, дейишади. Аммо бу ўринда бошқа ҳам сабаб бор-да. Негаки, дадаси унга эртаклар сўйлаб беради, суратлар солишни ўргатади. Болаларча завқига завқ қўшиб, ўйинлар ўргатади. «Биласиз, спортчи ўқитувчилар оиласида камол топганман. Таълим-тарбия билан боғлиқ жараён озми-кўпми бизга ҳам юққан. Шунинг учун фарзандларимни болаликдан қизиқишига қараб йўналтирсам, тарбия берсам, дейман. Азизабонунинг қизиқиши, фантазияси кенг», дейди подполковник Маъруфов.

Оила бекаси – пазанда. Миллий таомларни, турли салатларни тайёрлашга уста. Айниқса, Наврўз шодиёналари тантана қилинаётган шу кунларда бу хонадонда меҳмон бўлсангиз, сизни кўкламойимнинг тансиқ таомлари билан сийлайди. Кўксомса, кўкчучвара, исмалоқ, ялпиздан қилинган ранг-баранг таомлар дейсизми, хуллас баҳри дилингизни очиши шубҳасиз.

«Меҳмондорчиликда, меҳмон кутишда бизнинг хотинга тенг келадигани йўқ. Ҳатто ўзига хос таомилларини ҳам яхши билади», деди фахр билан хонадон соҳиби. Бунга рафиқаси шуларни қўшимча қилди:

– Бироз ошириб юбордилар. Аслида қадриятларимизга ҳурматим, эътиборим баланд. Таъкидлаш жоизки, меҳмондорчилигимиз, бағрикенглигимиз ҳам ўзига хос бир қадриятга тенг. Бу инсоннинг, оиланинг одамийлик, саховат, маданий ва маънавий алоқаси сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб келган.

«Кўп гапиргандан кўра меҳмонга палов дамланг», дейди ҳазил аралаш подполковник. Ана шундай ҳазил-ҳузули, самимияти бор хонадоннинг чироғи меҳрдан, муҳаббатдан эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Демак, меҳр, муҳаббат ёққан чироқ улар қалбларига зиё, эзгуликлар олиб кираверади. Шундайин кайфият билан, ёруғ ниятлар билан хонадонни тарк этдик.

**Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.**

# НАВРЎЗ

1

Қиш кунлари адоқ, борлиқ уйғонди,
Борлиқ билан бирга тарих уйғонди,
Томирларда оққан мардлик уйғонди,
Бу кун қиёсингга тополмасман сўз,
Бу кун Ватанимда бошланди Наврўз.

Майсага айланиб хазон уйғонди,
Дарёлар сувидан уммон уйғонди,
Қушлар парвозидан осмон уйғонди,
Бу кун қиёсингга тополмасман сўз,
Бу кун Ватанимда бошланди Наврўз.

Дарахтлар шохида куртак уйғонди,
Боболардан мерос эртак уйғонди,
Кўкракларда муштдай юрак уйғонди,
Бу кун қиёсингга тополмасман сўз,
Бу кун Ватанимда бошланди Наврўз.

Узоқ ухлаб қолган Шарқим уйғонди,
Қадрини сўроқлаб ҳаққим уйғонди,
Ғайратим, омадим, шаҳдим уйғонди,
Бу кун қиёсингга тополмасман сўз,
Бу кун Ватанимда бошланди Наврўз.

2

Қорли тоғлар кўрсатсада қаршилик,
Ўлкамизга етиб келди яшиллик.
Ҳар эшикни йўқлаб чиқди яхшилик,
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Йилбошининг саломисан, Наврўзим.

Дов-дарахтлар келинчакдек турланар,
Арғимчоқлар солиб учар турналар,
Адирларда кумуш жилға нурланар,
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Йилбошининг саломисан, Наврўзим.

Уфқларни туташтирди камалак,
Қозонларда қайнар ҳалим, сумалак,
Қизларжоннинг сочларида жамалак,
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Йилбошининг саломисан, Наврўзим.

Кўзга суртдинг олиб ғўра: Омонлик!
Шу кунларга етдик жўра: Омонлик!
Элу юртга тағин сўра: Омонлик!
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Йилбошининг саломисан, Наврўзим!

3

Гўзал заминимиз яратиб Оллоҳ,
Етти қат осмонни айлади паноҳ.
Яратди набовот-жонзот турфа тус,
Кунни чироқ этди, ҳилолни фонус.
Кеча-кундузингиз таборак бўлсин,
Азиз Наврўзингиз муборак бўлсин!

Сўнгра кўрсатилди олий иноят:
Яратди Ҳазрати Одам Атони,
Топсин дея доим суянч-ҳимоят,
Яратди Меҳрибон Момо Ҳавони.
Башар гулюзингиз таборак бўлсин,
Азиз Наврўзингиз муборак бўлсин!

Дунё тўкис эди, турмуш фаровон,
Изма-из улғайди ўғлону қизлар.
Оқибат бор эди, бут эди иймон,
Азондан янграрди шукрона сўзлар.
Шукрона сўзингиз таборак бўлсин,
Азиз Наврўзингиз муборак бўлсин!

Ўзанлар ўзгарди, ўзгарди инсон,
Бошидан ёз кечди, куз-аёз кечди.
Ҳунарлар ўргатиб Жамшиди жаҳон,
Тахтиравонида самога учди.
Яйраган кўзингиз таборак бўлсин,
Азиз Наврўзингиз муборак бўлсин!

Тантана садоси учди вақт-бевақт,
Баҳор келаверди довонлар оша.
Мозий меросидан олиб куч-қувват,
Қайтадан бошланди байрам-томоша.
Теран илдизингиз таборак бўлсин,
Азиз Наврўзингиз муборак бўлсин!

Озодлик завқини туйганда билдим,
Наврўзу Истиқлол асли эгизак.
Ўзбеки юртимга ташна тикилдим,
Дилимни ёритди ёрқин келажак,
Иқбол юлдузингиз таборак бўлсин,
Азиз Наврўзингиз муборак бўлсин!

**Асрор МЎМИН.**

# МУҲАББАТ ШИФО БЎЛАР

Муҳаббатнинг саломатликка таъсири хусусида 600 та хонадонда бир йил давомида кузатув олиб борилган. Шундан 63 та оила саралаб кузатилганда, шу нарса аён бўлдики, бу оилаларнинг қарийб барчаси ўртаҳол бўлиб, бир йил давомида дори-дармонга умуман маблағ сарфланмаган. Чунки уларда жиддийроқ касаллик ҳам кузатилмаган. Тадқиқотчилар бундай ҳолни ҳеч шубҳасиз муҳаббатнинг мўъжизаси деб талқин қилдилар.

Соддагина қилиб айтганда, оилавий муҳаббат учта кўринишда намоён бўларкан. Одоб, меҳр-оқибат ва аҳиллик. Ана шу учта фазилат одамни хасталикка, қариликка ва ғурбатга яқинлаштирмас экан. Қалбида муҳаббати бор одамгина, ўз жуфти ҳалолини бир умр ҳурматлаб-асрашга қодир бўларкан ва бундан унинг ўзи ҳам бениҳоя ҳузур оларкан. Бундан шундай хулосага келиндики, муҳаббат деганлари, икки қалбнинг бир-бирига талпиниб, бир-биридан айб қидирмай турмуш кечиришнинг ўзгинаси экан.

Ширин турмушга дори-дармоннинг ҳожати йўқ, деган иборанинг мағзи шунда эканки, қалбида муҳаббат билан яшаган инсонлардаги руҳий тетиклик, ҳаётсеварлик ва кечиримлилик кўпгина касалликларни яқинлаштирмас экан.

Агар эр ёки хотин бир-биридан камчилик қидира бошласа, касалликнинг келиши тезлашиб, дори-дармонга хуруж бошланаркан. Саралаб ўрганилган 126 оилада хасталик кўпроқ кузатилган ва дори-дармонга сарфланган маблағ шубҳасиз юқори бўлган. Яна шуниси таажжубки, ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларда касалланиш даражаси юқорироқ эканлиги кузатилди.

Бундан кўринадики, турмуш чигалликларига чалғимай, жуфти-ҳалолини авайлаб, унга бўлган муҳаббатини асло сўндирмай яшашнинг ўзи катта бахт экан. Бахтиёрликни ва саломатликни албатта муҳаббат қуршовидан топасиз.

**Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.**



Умид билан экилган ниҳол, албатта, эртага ҳосил беради.

Ёшларимиз – келажагимиз эгалари. Қўлида барқ уриб ўсган буғдой ниҳолини кўтариб турган қизалоқни ана шу ниҳолга қиёс қилгулик.

Озод ва обод юртимизда камол топаётган ёшларимиз эртага баркамол инсонлар бўлиб етишади. Мустақил диёримизда бунинг учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд.

# ШАФТОЛИ ГУЛИ

## (ҳикоя)



Маҳкам ҳар баҳорда чаппар уриб очилган турфа дарахтлар гулларига маҳлиё бўлар экан, уларнинг қай бири чиройли экани ҳақида сира бир қарорга келолмасди. Ростдан ҳам, нимпушти шафтоли гули чиройлими ёинки қишда ёққан пага-пага лайлак қорга монанд гилос гуллари зеборoқми? Ёхуд капалакка ўхшаб кетадиган олма ва беҳи гуллари афзалроқмикан?.. Ва Маҳбуба билан ораларига тушган совуқчиликда ким айбдор: ўзими, Маҳбубами, буни ҳам билолмасди.

Мана, Наврўз яқинлашяпти, ҳадемай жамики дов-дарахтлар гул очади ва ўша азалий савол яна Маҳкамни қийнай бошлайди. Шафтоли гули чиройлими ёинки гилосникими? Ўзи ҳақми ёки Маҳбуба?

Навбаҳор яқин бўлса-да, ҳаво хийла совуқ эди. Маҳкам зўр бериб Маҳбуба билан бўлажак учрашув ҳақида ўйларди. Йўқ, улар учрашишга келишишмаган, лекин шу баҳор албатта учрашишларини Маҳкамнинг кўнгли сезиб турарди.

Ниҳоят, ўша кун келди. Улар дов-дарахтлар қийғос гуллаган сўлим бир боғ қўйнида учрашдилар. Атроф кўклам оҳангларига тўла, баҳорнинг сар-сари шамоллари анвойи ҳидларни димоққа урар, у ер-бу ерида оқ булутлар сузиб юрган осмон тобора тиниқлашиб борарди. Маҳкамнинг юрагидаги ҳислар борган сари мавжланар, у нимадан сўз очишни билмасди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, улар ўн йил учрашмадилар. Мана, энди етуклик бўсағасида турган икки киши бир-бирларига нима дейишни билмай, лолу ҳайрон эдилар.

– Маҳбубахон, сизнингча шафтоли гули чиройлими ёки гилосникими?

Маҳбуба жавоб қилмай, бироз сукут сақлади. У Маҳкамнинг табиатини яхши билса-да, бунақа савол кутмаганди, чамаси. Шу боис, бироз паришон жавоб берди:

– Билмасам… Мен бу тўғрида ўйламаган эканман.

Аёл қирмизи рўмол ўраган келинчакдек ороланиб турган шафтоли дарахтига ўйчан нигоҳ ташлади, юрагида аллақандай завқ туйгандек бўлди. Лекин овозидаги ўша лоқайд оҳангни ўзгартирмай, сўзида давом этди:

– Мен ҳозир кўпроқ қайси кўйлагим чиройли, қайсинисини кийсам экан, деб ўйлайман.

Маҳкам оғрингандек бўлди.

– Майли, бироз ўйлаб, кейин жавоб қилсангиз ҳам бўлаверади.

– Нима, сиз мени имтиҳон қиляпсизми?

– Мен эмас, ҳаётнинг ўзи биз, гумроҳларни ҳар он, ҳар соат, ҳар кун имтиҳон қилиб туради. Ва минг афсуски, бу имтиҳонлардан шафқатсизларча йиқитади ҳам!

– Э, йўқ, акажоним! Биз имтиҳонлардан йиқиладиганлар хилидан эмасмиз. Йўлини қиламиз!

– Ҳозир ҳам йўлини қилинг, бўлмаса.

– Йўлини қилдим. Билмайман, қайси гул чиройли эканини! Қутулдимми?!

– Йўқ. Қутулмадингиз. Мендан қутулиб бўпсиз!

Улар боғ сайрида давом этдилар. Ложувард осмон тобора юксалар, гулга бурканган боғ атри кишини маст қилгудек, Маҳкам кўклам латофатидан кўз узолмасди. Маҳбуба уни жимгина кузатар, ҳеч сўз демасди.

Яна Маҳкам сўз бошлади:

– Тасаввур қилинг!

– Тасаввур қилдим.

– Нимани тасаввур қилдингиз?

– Сизнинг имтиҳонингиз тугади, деб тасаввур қилдим.

– Адашасиз. Менинг имтиҳоним тугаши мумкин, лекин ҳаёт имтиҳонлари ҳеч қачон тугамайди. Ҳеч қачон!

– Йўқ, тугайди! Ахир, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор-ку!

– Хато қиласиз. Чексиз, чегарасиз нарсалар ҳам бор.

– Масалан?

– Масалан, инсон орзу-умидларининг чегараси йўқ!

Маҳбуба яна жимиб қолди. Маҳкам унинг чиройли кўзларига узоқ тикилди. Улардан ниманингдир ифодасини топмоқчи бўлди. Лекин у ҳар қанча тикилмасин, ҳеч қандай ифода англаёлмасди. Аёлнинг беғубор нигоҳларида фақат савол, сон-саноқсиз саволлар мавжуд эди. Маҳкам эса бу саволларни унинг тилига чиқаргиси ва уларга жавоб бергиси келарди. Наврўз нафаси унинг юрагини жунбушга келтирган, хаёллари уммони қирғоқларидан ошмоқда эди.

– Фараз қилинг…

– Фараз қилдим! – эркаланди аёл.

– Фараз қилинг, 50 миллион сўм пулингиз бор!

– Ўҳ-ҳу, бунча пулни қаердан оламан?!

– Худо беради!

– Кошки эди…

– Киши астойдил истаса, албатта ниятига етади. Мана, қаранг, шу пул ҳозир қўлингизда. Мен бердим деб ўйлашингиз мумкин. Қани, нима қиласиз шунча пулни?

– Э, сизда бунча пул нима қилади? Отангиздан олтин ёмбилар қолмаган бўлса. Ҳолва деган билан оғиз чучирмиди.

– Оббо, одамни қон қилиб юбордингиз-да! Ахир, фараз қилинг дедим-ку!

– Хўп-хўп, – таслим бўлди аёл. – Мана, қўлимда 50 миллион сўм пул бор.

– Мана бу бошқа гап. Энди шунча пулни нималарга сарфлашингизни айтиб берсангиз, олам гулистон!

Маҳбуба энди ҳақиқатан ҳам қўлига бирдан катта пул тушиб қолган-у нима қилишини билмай турган одамга ўхшаб кетарди. Ҳаракатлари нотабиий эди. Уни жимгина кузатаётган Маҳкам ичида афсус чекиб, хаёл сурарди. Буни қарангки, катта пулнинг ўзи эмас, ҳатто хаёли ҳам кишини маст қилиб қўя оларкан-а.

Маҳкам айқаш-уйқаш бўлиб кетган хаёлларини жамлаб, яна аёлга савол назари билан қаради. Маҳбуба «мен тайёр» дегандай жилмайиб, сўз бошлади:

– Мен биринчи навбатда «Мерседес» сотиб олган бўлардим.

– «Мерседес»ни нима қиласиз, ҳайдашни билмайсиз-ку? – ўйинни давом эттирди Маҳкам.

– Буниси билан ишингиз бўлмасин. Ахир, ўзингиз мени хаёл суришга мажбур қиляпсиз-ку! Сирасини айтганда, арава бўлса, сизга ўхшаган аравакашлар топилиб қолар.

– Хўп майли, қабул қилдик жавобингизни. Яна нимани истайсиз?

– Янами… Яна Ўрта Ер денгизида икки қаватли вилла сотиб оламан. Бассейн, саунаси ҳам бўлади…

– Жуда соз! Пулни оқилона сарфлаяпсиз. Ўзи сиз аёллар, биз эркаклардан кўра пухтароқсизлар-да. Бу жавобни ҳам қабул қилдик. Миллионер хоним яна нима истайдилар!

– Жуда кўп тилла тақинчоқлар, кўйлаклар, француз атирлари-ю, упа-эликлар. Уй хизматчилари, энг яхши сартарошлар, кийим тикувчилар, уқаловчилар… – Маҳбуба берилиб кетиб, кўнгли тусаган нарсалар рўйхатини шу қадар чўзиб юбордики, Маҳкамнинг хомчўтича, бу нарсаларга 50 миллион етиши даргумон эди.

Маҳкам ота-онасидан жуда эрта айрилган, шу боис ота-онаси борларга жуда ҳаваси келарди. Ҳозир ҳам у юраги увишиб, Маҳбуба отаси ҳақида сўз очишини кутарди. У Маҳбубанинг кўзи ожиз отаси борлигини биларди. Маҳбуба эса отасини хаёлига ҳам келтирмаган, ёлғондан ваъда қилинган пул ҳою ҳаваси билан осмону фалакда учиб юрарди. Маҳкам бундай ўйин қилганига минг пушаймон бўлиб, хаста товушда зўрбазўр сўради:

– Отангизни унутдингизми? У кишини даволатмайсизми, ахир?!

Маҳбуба пинагини ҳам бузмади.

– Унутганим йўқ. У кишини даволатишнинг сира иложи йўқ. Энди… Отам ёшларини яшаб, ошларини ошадилар…

– Наҳот, у киши умрларининг сўнгида бўлса ҳам ёруғ жаҳонни кўришларини истамасангиз?

– Истайман, жуда-жуда истайман. Лекин бунинг сираям иложи йўқ-да.

– Шунча пул билан бир иложи топилар… Сиз, ахир, ҳамма нарсанинг иложини топиб, ўрганиб кетгансиз-ку! Отангизни эса, ҳатто хаёлан ҳам даволатгингиз келмайди.

– Қани, аввал ўша пулни олайликчи, кейин бир гап бўлар, жаноби хаёлпараст, – жилмайиб муроса қилди Маҳбуба. У Маҳкам ҳазиллашиб бошлаган ўйинга жуда киришиб кетган, уни тўхтатгиси йўқ эди.

Улар боғ адоғига келиб қолишган, дарахтлар худди қорга буркангандек кўзни қамаштирар, Маҳкам каловланар, тилига бирор сўз келмасди.

Улар ёмғирдан сўнг ҳосил бўлган кўлмакларни бир-бир босиб, ортга қайта бошладилар. Кўлмаклар юзини оқ, пуштиранг гуллар қоплаган, Маҳкамнинг уларга қараб йиғлагиси келарди. «Менга нима бўляпти ўзи? Наҳот, шунчалар таъсирчан бўлиб қолдим?»

Орадаги сукунатни энди Маҳбуба бузди:

– Хўш, қани, имтиҳон қилиш навбатини менга берасизми, жаноби хаёлпараст?!

– Бажонидил. Сиз имтиҳон қиласизу, мен йўқ дейманми?

– Айтингчи бўлмаса, ўша, ўзингиз айтган миқдордаги пул қўлингизга тушиб қолса, нима қилар эдингиз?

Маҳкам яна нигоҳларини шафтоли гулларига қадади, чуқур хўрсинди ва жавоб қилди:

– Ана шу шафтоли гуллари умрини узайтиришга сарфлаган бўлардим бу пулларни. Ва бир кўйлаклик оқ шохи мато сотиб олардим. Раҳматли онагинам чиройли аёл эдилар, у кишига оқ либос жуда ярашарди. Менинг эса у кишига оқ кўйлак олиб беришга пулим йўқ эди. Ана шунақа гаплар…

Маҳбуба унинг кўзларига қарамади, лоқайд нигоҳларини дарахт шохларига қадаб, заҳарханда қилди:

– Хомхаёл… Сиз сира-сира ўзгармагансиз, Маҳкам ака!

Орага яна оғир сукунат чўкди. Бу сукунатни энди ҳеч нима буза олмасди…

●

Яна Наврўз келади. Шафтоли, олмалар гуллайди. Сўнгра ёмғир ёғиб, гуллар ер билан битта бўладилар, кўлмаклар юзини қоплайдилар. Маҳкам ҳамон қайси дарахт гули чиройли экани ҳақида бир тўхтамга келолмайди. Кўлмак юзида титраётган ғунчалардан кўз узолмайди. Ўзи ҳақми, Маҳбубами, буни ҳам билмайди.

Яна Наврўз келади, ёмғир ёғади. Сон-саноқсиз оқ, пуштиранг гуллар секин «оҳ» чекиб, кўлмаклар юзини қоплайдилар…

**Жўра ФОЗИЛ.**

